Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 108 (9094). • 1987 йил 9 июнь • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

Ҳурмат тахтаси

Пилла етиштириш ва давлатга сотиш планини бажарганликлари учун қуйидагилар «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.

ҒАЛАБА РАЙОНИ БЎЙИЧА

Свердлов номли колхоз (раиси Б. Исмоилов, партия ташкилотининг секретари А. Ҳолиқов, касаба союз ташкилотининг раиси Г. Абдуҳамидов, комсомол ташкилотининг секретари С. Номозов, пиллачилик бўйича агротехник Э. Уккибоев).

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Ленин йўли» колхози (раиси М. Убайдуллаев, партия ташкилотининг секретари Ҳ. Маҳкамов, касаба союз ташкилотининг раиси Д. Сайдалиев, комсомол ташкилотининг секретари М. Исмоилов, пиллачилик бўйича агротехник С. Раҳмонов).

ТОШКЕНТ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози (раиси Н. Боймуҳамедов, партия ташкилотининг секретари А. Соатов, касаба союз ташкилотининг раиси К. Пўлатов, комсомол ташкилотининг секретари Ҳ. Усмонов, пиллачилик бўйича агротехник Г. Юсупова).

Карл Маркс номли колхоз (раиси Р. Акбаров, партия ташкилотининг секретари С. Аъзамов, касаба союз ташкилотининг раиси В. Ёдгорхўжаев, комсомол ташкилотининг секретари Ж. Ёқубов, пиллачилик бўйича агротехник А. Холматов).

А. Навоий номли колхоз (раиси Ғ. Валиев, партия ташкилотининг секретари А. Абдуазимов, касаба союз ташкилотининг раиси Б. Тўлаганов, комсомол ташкилотининг секретари Ф. Соипов, пиллачилик бўйича агротехник М. Раҳимов).

Коммунист фикри

ЗЎР ИШЛАШ КЕРАК, РАҲБАР ЎРТОҚЛАР!

Ойниса ЭРГАШЕВА,
Пискент районидаги Низомий номли ўрта мактаб партия таш килотининг секретари, район партия комитети аъзоси.



Мамлакатимизда қайта қуриш жадаллаштириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирларга одамлар катта баҳо бермоқдалар, қўллаб-қувватламоқдалар. Лекин инқилобий ўзгартишлар осонликча бўлмаяпти. Номуносиб хатти-ҳаракатлари, ўз мансабини суиистеъмол қилгани учун вазифаларидан бўшатилган баъзи кимсалар: «Биз шунча йил «астойдил» хизмат қилдик, қадримизга етишмади, кўрамиз, янгилари нима каромат кўрсатишаркин?» — дейишмоқда, эскича иш услубларининг тикланишини кутишмоқда. КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездида очиқ-ойдин айтилди: партия ўзи танлаган йўлдан ҳеч қачон ортга қайтмайди, бу йўлнинг нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Сир эмас, кейинги йилларда раҳбарларнинг ғоявий-назарий билим доираси ва сиёсий етуклиги, одамларни ишонтириш ва ўзига эргаштира билиш қобилияти сингари фазилатлари эътибордан четда қолдирилди, улар ўз соҳалари хусусиятларини қанчалик яхши билишлари билангина қизиқилди. Ҳозир панада туриб, гинахонлик қилаётган собиқлар жамиятимиз принципларини бузиб, эл назаридан қолганликларини унутмоқдалар. Лекин, халқимиз унутгани йўқ. В. И. Ленин ўзига бино қўйишни, хом хаёлларга берилишни нафрат билан коммунистик такаббурлик деб атаб, бу хатарли иллатдан бизни огоҳлантирган эди.

Кейинги ўн йил ичида районимиз халқ хўжалигини ривожлантиришда қатор камчиликларга йўл қўйилди, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги пасайди. Пахтачиликка сарфланган 200 миллион сўмдан зиёд маблағ кутилган натижани бермади. Чорвачилик маҳсулотлари таннархи қимматга тушмоқда. Бошқа соҳаларда ҳам бир талай камчиликлар мавжуд.

Район партия комитетининг шу йил май ойида бўлиб ўтган пленумида танқид ва ўз-ўзини танқид руҳи яққол сезилиб турди. Нотиқлар камчиликлар ва уларнинг бош сабабларини дангал айтдилар, қайта қуришни оғиздагина амалга ошираётган раҳбарлар аёвсиз танқид қилинди. Масалан, Ленин номли колхозда кейинги икки йил мобайнида партия йиғилишида коммунистларнинг ролини ошириш масаласи муҳокама қилинмади, ўзибўларчилик кайфияти ҳукм сурди. Оқибатда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга топшириш планлари сурункасига бажарилмаяпти. Колхоз правлениеси раиси А. Абдурахмонов райком ишончини оқламади, одамлардан ажралиб қолди...

Район матлубот жамиятлари союзи правлениеси раиси О. Юсупов райком аъзоси эди. Лекин у ишлаган пайтда совет савдоси қоидалари қўпол равишда бузилди, харидорларнинг эҳтиёжлари қондирилмади. Аҳвол шу даражага бориб етдики, 1987 йил биринчи кварталида 72 минг сўмлик камомад ҳамда ўзлаштиришга йўл қўйилди, молларни хуфёна пуллаш авж олди.

А. Абдурахмонов ҳам, О. Юсупов ҳам райком бюроларида, пленумларида: «Камчиликларни тугатамиз, планлар бажарилади» деб ваъдалар беришди. Аммо сўз ва иш бирлиги таъминланмади. Оқибатда О. Юсупов фаолиятига принципиал баҳо берилиб, у вазифасидан бўшатилди.

Бошқа бир мисол. Район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари Тўйимуҳаммедовнинг ўз бошимчалиги туфайли автомобилларга хизмат кўрсатиш станцияси 8 кун ишламай қолди.

Юқоридаги камчиликлар айрим раҳбарлар ўз фаолиятларини янги талаблар асосида қайта қура олмаётганликларини кўрсатади. «Коммунистлар партияси сўзи билан иши бир партиядир, — дейилади партия Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий докладида. — Буни ҳар бир раҳбар, ҳар бир коммунист эсда тутиши керак. Совет халқи бизнинг фаолиятимиз ҳақида худди мана шу сўз билан иш бирлигига қараб мулоҳаза юритади».

Социалистик демократиянинг кучаётганлиги ўз фикр-мулоҳазаларимизни очиқ-ойдин айтишга имкон яратди. Буни районимиз мисолида ҳам кўрса бўлади. Меҳнат коллективларининг ўз раҳбарлари ҳақидаги фикрларини ўрганиш, кадрлар резервини яратиш мақсадида район газетасида анкета саволлари эълон қилинди. Олинган жавоблар кўпчилик раҳбарлар фаолиятига холис баҳо берилганлигини кўрсатди. Масалан, Охунбобоев номли колхоз правлениесининг раиси М. Авазов ҳақида: «Чорвачиликни тубдан яхшилади, пахтачиликда юқори кўрсаткичларга эришди. Бироқ халқ билан қўпол муомалада бўлади. У характерини ўзгартириши керак», — дейилган.

Анкета саволларига берилган жавобларни таҳлил қилар экансиз, ленинча принциплар мустаҳкам қарор топаётган ҳозирги даврда ҳар бир раҳбар коллективда ўз ўрни ва обрў-эътибори учун курашиши, масъулиятни, аввало ўзига нисбатан талабчанликни бирор дақиқа бўлса-да бўшаштирмаслиги лозимлигини ҳис этасиз. Афсуски, баъзилар ҳамон эскичасига ишлашаяпти. Мажлисбозлик, қоғозбозликдан тўла қутулганимиз йўқ.

Ягона сиёсий кунлар раҳбар кадрларнинг омма билан алоқасини мустаҳкамлашда роль ўйнайди. Бироқ, ана шу муҳим тадбирни ўтказишда гоҳо расмиятчиликка йўл қўйилаяпти. Чунончи, район нон комбинатида ўтказилган ягона сиёсий кунда ишчилар тоқат қилиб бўлмайдиган камчиликларни очиб ташладилар. Ечимини кутаётган муаммолар район партия комитети ва қатор ташкилотлар олдига кўндаланг қўйилди. Докладчилар: «Кўнглингиз хотиржам бўлсин, талабингиз қондирилади», — деб ваъда беришди. Шу билан ҳамма нарса унутилди. Ишчилар орасида норозилик кучайди. Район газетасида «Саёҳатчи сичқонлар» сарлавҳали танқидий мақола босилганидан кейингина ҳаракатга тушиб қолишди...

Бошланғич партия ташкилотлари секретарларини кўпгина йиғилишларга таклиф қилишади. Баъзан кимларнингдир масъулиятсизлиги, расмиятчилиги туфайли қанчадан-қанча вақтни зое ўтказаяпмиз. 6 март куни район хотин-қизлар кенгаши мажлиси бўлишини айтишди. Унга корхона ва ташкилотлардан вакиллар келишди. Бир соат ўтгач, йиғилиш қолдирилгани маълум бўлди. Матбуот кунига бағишланган кеча жуда кеч бошланди. Энди ўзингиз ўйланг, район доирасидаги раҳбарлар, мутахассислар ана шундай камчиликларга йўл қўйишаётганидан кейин бошқалардан нима кутиш мумкин?

Ҳозир хотин-қизларни ижтимоий фойдали меҳнатга кенг жалб этиш, уларга қулай шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилаяпти. Ҳалол меҳнати туфайли доврўғ тараташётган опа-сингилларимиз жуда кўп. «Пискент» совхози бригада бошлиғи, район партия комитети бюросининг аъзоси Дилбар Нормотова, Тельман номли колхоз партия комитетининг секретари Дилбар Зокирова шулар жумласидандирлар. Лекин район хотин-қизлар кенгаши фаолиятидан кўпчилик норози. Чамаси, катта билим ва тажрибага, ташкилотчилик қобилиятига эга аёлларни унга жалб этиш керак. Энди қоғоздагина ҳисоб берадиган, «ҳаммаси яхши» деб ўзимизни ўзимиз овутадиган вақтлар ўтиб кетди.

Райком вакиллари жойларга бориб, ҳар хил қоғозларни талаб қилишади, ҳолирок хонага кириб, олдиндан тайёрланган саволларга жавоб ахтаришади. Ахир биз робот эмас, жонли одамларміз-ку! Бешта қоғозни талаб қилиш ўрнига беш киши билан амалий суҳбат ўтказилса, уларнинг дил сўзларига қулоқ тутиб, камчиликларни тугатишга қаратилган аниқ тадбирлар белгиланса яхши бўлмайдими? Бу саволларимга райкомда: «Қоғозларсиз иш битириб бўладими. Юқори ташкилотларга биз ҳам ҳисоб беришимиз керак-да», — деб жавоб қилишди. Эҳтимол тўғридир. Аммо ҳаддан ташқари қоғозбозлик авж олмаяптимикин?

Райондаги 36 та мактабдан 6 тасигина замонавий усулда қурилган. Мен ишлаётган мактаб каноп заводи филиали билан ёнма-ён жойлашган. Баъзан шовқин-суронлар дарсни бамайлихотир ўтишга имкон бермайди. Халқ депутатлари район Советининг 1985 йилда ўтган сессиясида янги илм масканлари қуриш ва уларни ўз вақтида ишга тушириш ҳақида қарор қабул қилинган эди. Бахтга қарши қарор ижроси таъминланмаяпти.

Равшанки, бошланғич партия ташкилоти принципиал муносабатларга асосланган жўшқин қаёт кечираётган бўлса, коммунистлар сафсата сотмасдан конкрет ишлар билан шуғуллансаларгина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Баъзи партком секретарлари буни била туриб ҳамон хўжалик ишлари билан ўралашиб қолмоқдалар. Улар сиёсий раҳбар сифатидаги ўз обрў-эътиборларини тиклашлари шарт.

Кадрлар — олтин фондимиз, уларнинг маънавий поклиги, садоқати, ташкилотчилиги долзарб вазифаларни ҳал этишда муҳим омилдир. Очиқ айтиш керак, ҳали ҳамма раҳбарлар ҳам шу кун масъулиятини чуқур ҳис қилишаётгани йўқ. Бу ҳақда райком пленумида дангал гапирдим. Эҳтимол, фикрларим кимгадир ёқмас, лекин камчиликларни хаспўшлаш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Танқид ва ўз-ўзини танқид, ошкоралик, кенг демократия ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олиши даркор!

(«Қишлоқ ҳақиқати»нинг 5 июнь сонидан).

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

УЧ РАЙОН РАПОРТИ

• ЎРТА ЧИРЧИҚ

ПЛАННИ ОРТИҒИ билан адо этиб, ҳозирги кунда мажбурият ҳисобига ҳосил топшираётган пиллакор районлардан бири Ўрта Чирчиқдир.

Район хўжаликларида пиллачиликда тажриба тўплаган тадбиркор меҳнаткашлар сони кўпчиликни ташкил қилади. Охунбобоев номли колхоздан Сабоҳат Ғофурова — 173 килограмм, Зулфия Тошхўжаева 1,5 қутидан 139 килограмм пилла териб олишди.

— Ютуқларимизнинг ҳар йилдагидан кўра салмоқли ва сифатли бўлиши ўзимизга боғлиқлигини хўжалигимиз аъзолари яхши билишади,— дейди пиллачилик бўйича агротехник И. Қурбоналиева.— Айниқса, бу йил бу соҳага катта эътибор бердик. Эрта баҳорданоқ колхозимизда тажрибали пиллакорлар ва мутахассислардан иборат пилла штаби иш бошлади. Бу албатта, пиллачиларнинг оғир ва шарафли вазифаларни бажаришларида маслаҳатлари ва керак бўлган пайтда техника асбоб-ускуна билан таъминлашда катта ёрдам берди.

Ҳар йилдагидек, бу қисқа муддатли мавсум кишиларимизни бездирмади. Аксинча, моддий рағбатлантирилган колхозчиларимиз ўз юмушларини астойдил бажаришга киришдилар. Мана натижа, қувонса арзигудек...

Ҳа, колхоз пиллакорлари ишни тадбиркорлик ва маслаҳат олиб борганликлари эвазига 280 қути қуртни парваришлаб, пландаги 12 тонна ўрнига 15 тонна сифатли хом ашё етказиб, бердилар.

Шу ўринда райондаги ҳар бир қутидан 65—70 килограммдан пилла етиштирган «Северний маяк» колхозидан Р. Асанбоева оилавий звеносининг уч қутидан 268 килограмм, Р. Пак оилавий звеносининг эса 1,5 қутидан 152 килограмм пилла етиштиришганликларини айтиб ўтиш лозим.

Район пиллакорлари давлатга 3260 қути қурт уруғидан 165 тонна ўрнига 167 тонна «кумуш тола» етказиб бердилар. Эндиги навбат эса мажбурият ҳисобига ҳосил топширишдан иборат.

• БЎКА

БУ ЙИЛГИ қизғин палла — пилла мавсумида Бўка районининг қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари ҳам бир жон, бир тан бўлиб омилкорлик билан иш тутмоқдалар.

Район пиллакорлари қабул пунктларига 170 тонна ўрнига 174 тонна юқори сифатли саноат хом ашёси етказиб бериб, эл-юрт олдидаги ваъдаларини бажардилар.

Очиғини айтганда, мавсумда районнинг барча хўжаликларида кўнгилдагидек пилла ҳосили етиштирилди. Жумладан, Ҳамза номли колхозда пландаги 17 тонна ўрнига 19 тонна... тайёрланди. Бунда, албатта, хўжаликнинг тажрибали пиллачилик звеноси аъзолари — Воҳида Мирсолова икки қутидан 153 килограмм, Анор Ортиқова 2 қутидан 154 килограмм пилла териб топширганликларини фахр билан тилга олса арзийди. Пиллакорлар қўлга киритган муваффақиятларда «Партия XX съезди» колхозидан Эсенгул Эшбоева, «Кўкорол» совхози ишчиси Ҳайрия Ризаева, Тимирязев номли колхоз аъзоси Мариям Тохибоевалар-нинг катта ҳиссаси бор.

Шуниси қувончлики, районда пилла плани бажарилган бўлсада, мажбурият ҳисобига ҳосил топшириш қизғин давом этяпти.

• ҒАЛАБА

ОБЛАСТИМИЗ ПИЛЛА хирмонига муносиб улуш қўшаётганлар сафида Ғалаба районининг сўзи билан иши бир меҳнаткашлари ҳам бор. Улар зиммаларига олган планларини шараф билан уддаладилар. Қабул пунктлари ғалабалик пиллакорлардан 148 тонна юқори сифатли пилла ҳосилини қабул қилиб олди.

Район барака хирмонида, айниқса, Свердлов номли колхоз аъзолари етиштирган ҳосилнинг чўғи баланд. Обҳаво қийинчиликларига қарамай, хўжалик меҳнаткашлари 16 тонна ўрнига 18 тонна ҳосил етказиб бердилар. Айниқса, хўжаликда пиллани парваришлаш даврида тикка дасталаш усулининг кенг ёйилганлиги ютуқлар гарови бўлди. Яна бир томони, бостиришда асосан дока материалидан фойдаланилганлиги ҳосилнинг сифатига ижобий таъсир қилди.

Димитров номли колхоз меҳнат аҳлининг ҳам юбилей йилида уйган хирмони 15 тонна ўрнига 16 тоннани ташкил қилди. Илғор хўжаликлар қаторида Ҳамза номли, «Москва», «Победа» ва «Заря коммунизма» колхозлари меҳнаткашларининг ҳам муносиб улуш қўшганликларини мамнуният билан айтиб ўтиш лозим.







● СУРАТЛАРДА (пастда чапдан) Оққўрғон райони бош пиллахонаси ходимлари — торозибон Азиз Турсунов ва лаборант Мулкия Қосимовалар «Партия XXII съезди» колхози аъзоси Ғани Абдусатторовдан ҳосил қабул қилишмоқда; пилла навларга ажратилмоқда; (юқорида) оператор Назира Баражапова хом ашёнинг сифатини аниқламоқда.

Ҳ. Аввалов фотолари.

«СИБИРЬ» АТОМ МУЗЕРАРИДАГИ ЮҚОРИ КЕНГЛИК ЭКСПЕДИЦИЯСИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Совет кишилари сизларнинг экспедициянгиз қандай ўтаётганини ифтихор билан, қойил бўлиб кузатиб турибдилар. Арктиканн ўзлаштириш ва ўрганишнинг шонли тарихига янги ажойиб саҳифа битилди.

Белгиланган программа муваффақиятли тугалланишига тилакдошман. Сизларга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман, социалистик Ватанимиз фаровонлиги йўлида сизларга янги зафарлар ёр бўлсин.

М. ГОРБАЧЕВ.

ҚИРҚ ЦЕНТНЕРНИ КЎЗЛАБ

АБДУВАҲОБ Ахтанов бошлиқ бригада гўза парваришида Охунбобоев номли колхозидаги коллективлар ўртасида пешқадамлик қилмоқда. Бунда, айниқса, тажрибали механизаторлар Бакир Аминов ва Беркин Бўлматовлар кунига 2,5—3 гектар ердаги ниҳол қатор оралари иккинчи культивацияни сифатли ва намунали ўтказиб, бошқаларга ибрат бўлишяпти. Шунингдек, Маҳмуд Арслонов, Ғофур Алимов, Асад Қурбонов, Қўчқор Сулаймонов, Тўйчи Ахтанов каби коллектив аъзолари комплекс тадбирларни амалга оширмоқдалар, топшириқларни ортиғи билан бажармоқдалар.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган йилда 101 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган пахтакорлар гектар бошига ҳосилдорликни 40 центнерга етказишни кўзламоқдалар.

Қ. РАЖАБОВ,
Оққўрғон райони.

РИВОЖИ ЯХШИ

БЎКА районидаги «Партия XX съезди» колхозининг коммунист Абдуҳосил Мамадиев етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари бу йил 127 гектар майдонда деҳқончилик қилишяпти. Мавжуд ерларнинг 88 гектарига пахта, 24 гектарига дон учун маккажўхори ва 15 гектар майдонга полиз экинлари экилган.

Коллективда ғўзага иккинчи маротаба сифатли ишлов бериш тугай деб қолди. Баҳорнинг серёғин келганлиги бегона ўтларнинг кўпайишига сабаб бўлди. Шу туфайли бригада аъзолари яганалашни қисқа муддатларда тугаллаб, гўзани чопиқ қилишга киришдилар.

Бош сувчи Жўра ака Бўриевнинг кўп йиллик иш тажрибаси айни кунларда қўл келаётир. У майдонлар ҳолатини жуда яхши билади. Қаерни қай ҳолатда суғориш керак, қайси карта захлаб кетади.— ҳаммаси Жўра акага равшан. Ҳозир у ҳамкасби Мақсуд Худойбердиев билан пайкалларни саралаб суғоришяпти.

Шу билан бирга бригада деҳқонлари маккажўхори парваришини ҳам назардан қочиришмаяпти. Иккинчи ишлов минерал ўғитлар билан бирга ўтказилди.

— Бу йилги ниятларимиз катта, — дейди механизатор А. Мамадиев. — Пахтадан гектар бошига пландаги 25 центнер ўрнига 30 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганмиз. Маккажўхорини ҳам дон, ҳам озуқага мўлжаллаяпмиз. Бугун-эрта сув қўйишни бошлаймиз. Иккинчи ишловдан бўён ер анча қизиб қолди.

Ҳа, мазкур бригадада сувчи, механизатор ишни шундай баҳамжиҳат олиб боришади. Ўтган йили ҳам коллектив аъзолари шу йўсинда бамаслаҳат ишлаб, чакки натижага эришмадилар. Гектар бошига 33,6 центнердан пахта етиштирилди.

Шунингдек, бригадада 15 гектардаги полиз экинларини С. Исломова, Г. Қўчқорова, Н. Имонқуловлар парваришламоқдалар.

Дарвоқе, бригада деҳқонлари мавжуд майдонлардаги экинлар парваришини кўнгилдагидек олиб бориб, маккажўхоридан гектарига 70 центнердан дон ва кўплаб сервитамин кўк масса етиштиришга аҳд қилганлар.

Аҳдга яраша ҳосил тўплаш эса айни кунларда амалга оширилмоқда.

Р. ИУЛЧИЕВА.

МАЪНАВИЙ СОҲАДАГИ ҚАЙТА ҚУРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 6 июнь куни Тошкентда ўтказган навбатдаги матбуот конференцияси республикада маданиятни ривожлантиришнинг муҳим проблемаларига бағишланди. Журналистлар — оммавий ахборот ва пропаганда воситалари, республика нашриётларининг ходимлари билан учрашувга маданий қурилиш вазифаларини амалга ошириш билан бевосита алоқадор ижодий союзлар, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари таклиф этилди.

Бу вазифалар, дейилди матбуот конференциясида, КПСС XXVII съезди қарорларидан келиб чиқиб, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим соҳасидаги туб ўзгаришларни кўзлаб, инсон омили активлигини ва унинг таъсир кучини, халқнинг маънавий бойлиги ўсиши ҳамда ахлоқий соғломлиги мустаҳкамланишини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Учрашувда қатнашган раҳбарлар журналистлар ҳузурида сўзлаб, республиканинг ижодий ташкилотларида, маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида қайта қуриш қандай ўтаётганлиги тўғрисида муфассал гапириб бердилар, самарали янгланиш жараёнига тўғаноқ бўлаётган камчиликлар ҳамда ҳал этилмаган масалаларни айтиб ўтдилар. Улар матбуот, телевидение ва радиоэшиттириш ходимлари ана шу камчиликларни тугатишда ёрдам берадилар, жамики янги, дарҳақиқат яхши нарсаларни партиявий журналистик позицияда туриб кўра биладилар ва оммалаштирадилар, танқид ўтини бугунги кунда умрини ўтаб бораётган, тезроқ олға боришимизга халақит бераётган ишларга қаратадилар, деб ишонч билдирдилар.

Улар журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Матбуот конференциясида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

21 ИЮНЬ — МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

АГИТАТОРЛАР АКТИВЛИГИДА

ШУ КУНЛАРДА ҳамма сайлов участкаларида номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Сайловчилар билан савол ва жавоб кечалари уюштирилмоқда.

Жумладан, Собир Раҳимов районидаги С. М. Будённий номли 111-мактабга жойлашган 42-агитпунктда ҳам сайловолди ишлари қизғин тус олган. Бу ерда совет демократик сайлов системасига оид низомлар, сиёсий адабиётлар, газеталарнинг янги сонлари билан танишиш мумкин. Справкалар столи ташкил этилган. Сайловчиларнинг савол-жавоб дафтарлари мавжуд.

— Ҳозиргача «Коминтерн», «Правда» ҳамда «Янги турмуш» маҳаллаларида яшовчи 3600 дан зиёд сайловчи рўйхатга олинди,— дейди бош агитатор Раъно Ҳошимова.— Ўқитувчи-агитаторлардан Феруза Орипова, Дилшода Исаҳўжаева, Лутфия Рахимова, Гулчеҳра Акбарова, Озода Юсупова, Зулфия Содиқовалар аҳоли ўртасидаги тушунтириш ишларини тобора авж олдирмоқдалар.

А. ТОЛИПОВ.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА:

МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

ЧИРЧИҚ шаҳри меҳнаткашлари қайта қуриш руҳига монанд қадам ташлаб, йил бошида зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажаришга барча резерв ва имкониятларни сафарбар этмоқдалар. Ўнлаб саноат корхоналарида, қурилиш ва транспорт корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича яхши натижалар қўлга киритилмоқда. Шу билан бирга бу соҳада камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас, қайта қуриш йўлида муваффақиятларни забт этиш билан бирга қоқилишлар ҳам содир бўлиб турибди. Қайта қуриш маълум маънода янги очилаётган қўриқ ҳам эканини назарда тутсак, қоқилишлар табиийдир, албатта.

Маълумки, шу йилнинг 1 январидан бошлаб областимиздаги 21 та саноат корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга давлат қабули жорий этилди. Бу борада Чирчиқ биринчи ўринда туради — шаҳардаги бирйўла 5 та корхона давлат қабули шароитларида ишлашга ўтди ва шу фактнинг ўзи ҳам шаҳар саноатининг салмоғини, мавқеини белгилаб турипти.



ХЎШ, Чирчиқ саноат корхоналарида социалистик мажбуриятлар қандай бажарилмоқда?

Шаҳар меҳнаткашларининг ўн иккинчи беш йиллик ва Улуғ Октябрь 70 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича социалистик мажбуриятидан: «илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳисобига ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш тадбирлари амалга оширилади. Ҳамма жойда икки-уч сменали ишга ўтиш таъминланади ва бунинг натижасида 600 та (беш йилликда) маънавий эскирган ҳамда кераксиз ускуналар, 15 минг квадрат метр ишлаб чиқариш майдонлари бўшатилади».

Ҳозирнинг ўзида деярли ҳамма корхона икки ва уч сменада ишлашга ўтган. Шу йилнинг беш ойида ускуналарнинг смена иш коэффициенти 2, 13 ни ташкил этди. Январда бу кўрсаткич 2,04 эди. Беш ойнинг ичида ўсиш катталиги кўриниб турибди. Бу рақам-кўрсаткичларнинг ўзи нимани билдиради? Ускуналарнинг энг юқори смена иш коэффициенти 3 ни ташкил этади. Яъни, шаҳардаги барча ускуналар беистисно уч сменада ишлатилгандагина ана шу кўрсаткичга эришиш мумкин. Ҳозир эса саноат корхоналаридаги барча ускуналар смена иш коэффициенти ўртача 2,13 экан. Демак, улар умуман икки сменадан ортиқроқ ишлатилмоқда. Бу кўрсаткични янада ошириш, яъни корхоналарда икки-уч сменани, асосан учинчи сменада ишлашни кўпайтириш бўйича тадбирларни амалга ошириш давом этмоқда. Ҳозиргача эса 200 га яқин маънавий эскирган ускуналар бўшатилди — ишдан «озод» қилинди. Уларнинг ўрнига зарурат бўлса янги, янада унумлироқ замонавий ускуналар ўрнатилмоқда, зарурат бўлмаганда эса ишлаб чиқариш майдонлари асосан халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаш мақсадлари учун қайта жиҳозланмоқда.

Социалистик мажбуриятдан: «Шаҳар экономикасида барча саноат ишлаб чиқаришини интенсив ривожланишга, хўжалик ҳисобига, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва қоплашга ўтказиш, давлат қабулига ўтиш орқали тубдан қайта қуриш амалга оширилади».

— Давлат қабули жорий этилган 5 та корхона саноат маҳсулотининг 80 процентини беради. Давлат қабулини жорий этиш асносида бу корхоналарда ҳақиқий қайта қуриш амалга оширилмоқда: ГОСТ талабларига жавоб бермайдиган ҳар бир буюмдаги брак сабаблари ўрганилгандан кейин бу нуқсонларни бартараф этиш учун ускуналар такомиллаштирилмоқда. Рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда, баъзан эса бутун бошли станок ва қурилмаларни ҳам янгилашга тўғри келяпти. Айрим корхоналардаги аҳвол давлат қабулига тайёр эмаслиги ҳам кўзга кўриниб қолди. Масалан, трансформатор, «Узбекхиммаш» заводларида халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришда қийинчиликлар рўй бермоқда. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех бор. Унда зангламайдиган пўлатдан ошхона йиғмаси (пичоқ, қошиқ, вилка) ишлаб чиқарилади. Корхонада давлат қабули жорий этилгач, илгари шундоқ ҳам кўп меҳнатталаб бу цехда қўл меҳнати янада ортди: ГОСТ талабига жавоб бермайдиган буюмларни талаб даражасига келтириш учун қўшимча ишлов беришга, яъни қўшимча меҳнат сарфлашга тўғри келди. Иш ҳақи эса ортмади. Оқибатда кўпчилиги аёллар бўлган коллективда қўнимсизлик кескин кўпайди. Ҳозир бу ерда қўл меҳнатини камайтирадиган янги технологияни жорий этиш устида жадал иш олиб бориляпти.

● **ЧИРЧИҚДАГИ Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг Лидия Кожемякина етакчилигидаги бригадаси аъзолари йил давомида планга қўшимча 12 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эдилар. Улар ўтган 5 ойда йиллик планни 100,7 процентга етказиб адо этишди. Бу илғор бригада аъзолари шу кунларда Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига икки йиллик планни бажариш учун мусобақани авж олдиришмоқда. Суратда: Л. Кожемякина (чапдан биринчи) бригада аъзолари билан.**

Кўряпмизки, давлат қабули айни пайти истасанг-истамасанг қайта қуришга мажбур этмоқда. Шунингдек, давлат қабулида қийнаётган сабаблардан бири — эски ускуналарнинг борлиги.

Социалистик мажбуриятдан: «Меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, интизомни мустаҳкамлаш ҳисобига иш вақти йўқотилиши икки баравар қисқартирилади».

Бу борада шаҳар бўйича яхши томонга силжиш бор. Меҳнатни, ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, интизомни мустаҳкамлаш, муваффақиятларнинг бош омили эканлигини бир корхона — «Чирчиксельмаш» мисолида яққол кўриш мумкин. 1984 йилда шаҳар бўйича прогул 12 минг ишчикунини ташкил этган бўлса, шундан 7 минг ишчи-кунидан зиёдроғи, яъни 60 проценти фақат «Чирчиксельмаш»нинг «ҳиссаси» эди. 1985 йилда заводда прогул 6 минг 144 ишчи-кунига тушди. 1986 йилда эса 5.085 ишчи-кунини ташкил этди. Бу йил прогул янада камаймоқда. Шу билан бирга, қўнимсизлик ҳам кескин камайди. Булар охир-оқибатда ўтган беш йилликнинг иккинчи ярмигача барча кўрсаткичлар бўйича планни бажармайдиган қолоқ корхоналарни илғорлар қаторига, илғорларнинг олдинги қаторига чиқишига омил бўлди. Сабаб нимада?! Бутун бошли бир корхонада яхши томонга бунчалик кескин ўзгаришнинг ўзи бўлмайди-ку?

Сабаб юқоридаги — ишлаб чиқаришни, меҳнатни оқилона ташкил этиш, интизомни мустаҳкамлаш, ишчиларга маданий-маиший шароитларни яхшилаш. Ким қилди буларни? Янги директор!

Ҳа, ҳар бир коллективдаги аҳволнинг яхши-ёмон бўлишида аввало ана шу коллективнинг ягона бош раҳбарига кўп нарса боғлиқлигини қайта қуриш даври баралла таъкидламоқда. Кейинги беш йил ичида заводда тўрт директор алмашди. Улар корхонани қолоқлик ботқоғидан олиб чиқиша олмади. 1984 йилда В. Беляев директор қилиб сайланди. Тошкент трактор заводида узоқ йил ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи вазифасида ишлаб бой тажриба орттирган Владимир Александрович бу корхонада ишлаб чиқаришни тубдан қайта қура бошлади: ишчи-хизматчиларнинг унумли ва сифатли меҳнат қилиши учун янги моддий рағбайлантириш низомлари, барча цехларда бригада пудрати, хўжалик ҳисоби жорий этилди. Ҳар бир ишчининг меҳнат иштироки коэффициенти бўйича ҳақ тўлашга алоҳида эътибор берилди. Бир сўз билан айтганда «Ишлаган тишлайди» принципи кенг амал қила бошлади.

Социалистик мажбуриятдан: «ўн хил буюмга давлат Сифат белгиси олишга эришилади».

— Янги талаблар бўйича муайян буюмга давлат Сифат белгиси фақат уч йилга берилади, шундан сўнг уни қайта аттестациядан ўтказиш керак. Бу эса корхоналар коллективи зиммасига катта масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам мажбурият ишлаб чиқилаётганида бу ишга ўта жиддий муносабатда бўлинган эди. Ҳозиргача эса фақат трансформатор заводининг ўзида бу йил 5 хил маҳсулотга давлат Сифат белгиси берилди. Бироқ...

Социалистик мажбуриятларни бажармаётган корхоналар рўйхатида биринчи бўлиб мана шу трансформатор заводи турибди: барча кўрсаткичлар бўйича план бажарилмаяпти. Бунинг сабабларидан биринчиси — ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати бўйича асосланмаган юқори мажбурият олинган. Беш йилликда 55 процент! Демак, ишлаб чиқариш ҳажмини ҳар йили 10 процентдан ортиқроқ фақат интенсивлаш, яъни янги қувватлар қурмасдан меҳнат унумдорлиги ва бошқа ички резервлар ҳисобига ошириш керак бўлади. Иккинчиси ва асосийси — таъминот масаласи қийинаяпти. Бу эса кўпинча Иттифоқ миқёсидаги корхоналар билан боғлиқ муаммо. (Бу ҳақда газетамизнинг шу йил 20 май сонидаги «Жадаллаштиришми ёки тўсиққа учраган югуришми?» мақоласида батафсил ёзилган). Областимиздаги турли базаларнинг аниқ ишламаслиги ҳам қоқилтиряпти...

Чирчиқ меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига қўшимча 7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш билан кутиб олиш мажбуриятини олишган. Ҳозиргача 4 миллион 162 минг сўмлиги ишлаб чиқарилди!..

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ҚАЙТА ҚУРИШ:

ЮТУҚЛАР ВА ТЎСИҚЛАР

• ЧИРЧИҚ •

ВАЪДАБОЗЛИК ҚАЧОНГАЧА?

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ КЎПГИНА ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАЛАРИДА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ПЛАН ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ МУТТАСИЛ БАЖАРИЛМАЯПТИ

СЎЛИМ дарахтзорга бурканган колхоз маркази орқада қолди. Машинамиз тебраниб-тебраниб шағал тўкилган ферма йўлига тушди. Соғувчилар ҳар куни тонг ёришмай шу нотекис йўлдан пиёда фермага қатнашади. Тонгги соғинни ўтказгач яна қишлоққа қайтишади. Кун бўйи ўз юмушлари билан бўладилар-да кечга томон яна фермага келишади ва иккинчи соғинни ўтказишади.

Ферманинг теварак атрофи очиқ, девор ўрнига сим тортиб қўйилган. Дарвозаси бир томонга қийшайиб қолганлиги учун ҳам очилса ёпилмайди, ёпилса очилмайди. Шу боисдан машина ва тракторлар дарвоза ёнидаги очиқ жойдан ичкарига йўл солиб олган. Ичкарига киришингиз билан кўзингиз меҳнат шуҳрати байроғига тушади. Лекин у кимнинг шарафига кўтарилганлиги номаълум. Планларнинг бажарилиши ойма-ой қайд этиладиган кўрсаткич тахтада ҳеч қандай маълумот йўқ.

— Бу тахтани янги ўрнатдик, — дейди бригада бошлиғи Акбар Абдусаматов. — Беш ойлик якунларини чиқариб бугун-эрта ёзиб қўямиз.

А. Абдусаматов ферма цех партия ташкилоти секретари ҳам экан. Ташкилот ҳисобида ўн бир коммунист бор. Лекин ферма айланиб уларнинг ролини сезмадик. Партия XXVII съезди қарорларини, Озиқ-овқат программасини бажаришга, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олишга, юбилей йили мажбуриятларини сўзсиз адо этишга даъват қилувчи бирорта ҳам шиор йўқ. Сут соғиладиган корпусга кираверишдаги дарвоза устига «Душанба — тозалик куни», «Шанба — чорвадорлар куни» деган рангсиз ёзувлардан бўлак ҳеч қандай кўргазмали агитация воситалари кўзга ташланмади. Чорвадорлар дам оладиган, овқатланадиган хоналар умуман йўқ. Фақат молхонанинг ёнгинасидаги кичик хонада сут соғувчилар кийимларни алмаштириб олишлари мумкин экан. Фермада иссиқ овқат ташкил этилмагандан кейин одамлар ҳам ўз ишларини наридан-бери қилиб уй-уйларига жўнаб қолишаяпти.

Ферма айланиб вақт тушга яқинлашиб қолганини ҳам сезмай қолибмиз. Қуёш тикка келган. Ҳаво дим. Торгина майдонда яйратилаётган сигирлар ўзини салқинга олгиси келади, безовталанади. Қани энди майдон ўртасидаги кичик айвон 320 бош қорамолга соябонлик қилса. Кейин билсак бу майдон 180 бош сигирга мўлжалланган экан. Охирларнинг ҳам чанги чиқиб ётибди. Эрталаб келтирилган бир прицеп кўк пичанни моллар аллақачон еб бўлибди.

— Рацион бўйича ҳар бир сигирга 60 килограммдан кўк пичан, 2,5 килограммдан аралаш озуқа, 2 килограммдан ўт уни бериляпти, бу манзарани кўриб бригадир дарров изоҳ берди.

— Молларнинг оч қолишига йўл қўймаймиз. Эрталабки салқинда уларга бир прицеп озуқани едириб юбордик. Кун исигач молларни иштаҳаси қочади-да. Энди кечга бориб яна озиқлантирамиз.

— Кунига шунчадан озуқани ҳазм қилаётган сигирларнинг маҳсулдорлиги қандай бўляпти? Сут соғиб олиш плани ва мажбуриятлар бажариляптими?

Бригадир жавоб бериш ўрнига қоғозларни титкилай кетди. Керакли маълумотларни тополмади шекилли, қўшни хонага йўл олди. У ердан бир парча қоғоз кўтариб келди.

— Беш ойда план бўйича 221 тонна сут соғиб олишимиз керак экан, — деди у секин. — Лекин бу топшириқ бажарилмабди. 19,6 тонна сут кам соғиб олинибди.

• ОҚҚЎРҒОН •

— Сабаб?

— Бунинг сабаблари кўп, —ух тортди бригадир.—Кўп йиллардан бери осеменаторимиз йўқ эди. Шу боисдан сигирлар кисир қолди. Моллар яйратиладиган майдон эса тор. Сигирлар тўйиб озуқа емайди. Соғувчилар малакаси паст. Бирорта ҳам классли соғувчимиз йўқ. Шунинг учун ҳам маҳсулдорлик паст.

Бригадир бор гапни яширмай айтди. Кунига ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори ўртача ҳисобда 5—5,4 литрга тўғри келяпти. Ўтган йилнинг шу даврида чорвадорлар кунига 2016 килограммдан сут топширган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 1486 килограммга тушиб қолган. Бу аҳволда йилнинг қолган ойларида ҳам мажбурият у ёқда турсин планни ҳам бажариш амри маҳолдир.

...«Ленинизм» колхози сутовар фермасидаги ночор аҳвол эндиликда кўп давраларда тилга олинмоқда. Ўтган йилнинг августида бўлиб ўтган район партия комитети бюро мажлисида колхоз раиси Т. Набиев ва партия комитети секретари О. Баратовнинг ҳисоботларини тинглаб, кенгайтирилган қарор қабул қилинган эди. Шу йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган бюро мажлисида яна колхоз чорвачилигидаги қолоқлик муҳокама қилинди ва О. Баратов вазифасидан четлатилди. Район партия комитетининг май ойида бўлиб ўтган пленумида колхоз яна танқид қилинди. «Мўл ҳосил учун» газетаси колхоз фермасидан фотоайнамалар, танқидий мақолалар берди. Қани энди шунча танқид колхоз раҳбарларига таъсир қилса. Йўқ, хўжалик раҳбарларига гап таъсир қилмаяпти...

Ўтган йили район бўйича чорвачиликдан 211 минг сўм зарар кўрилган эди. Шу зарарнинг 109 минг сўмини биргина «Ленинизм» колхози келтирди. Колхоз раҳбарлари, бош мутахассислар буни билсалар ҳам пинакларини бузишмаяпти. Улар ҳамон эскича йўлдан боришяпти.

— Хўжаликлар чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича мажбуриятларини эмас, лоақал планларини уддалаб бажаришса ҳам бошимиз осмонга етарди, — дейди район агросаноат комитети бош зоотехниги В. А. Ли — Яқинда биз беш ойлик иш натижаларини ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. «Ленинизм», «Озод», Куйбишев номли, Ҳ. Олимжон номли, И. Охунбобоев номли, «Партия XXII съезди» колхозлари ва «Оққўрғон» совхози чорвадорлари сут соғиб олиш планини барбод этдилар. РАПО мажлисида «қолоқ хўжаликларнинг раҳбарлари олдига қаттиқ талаблар қўйилди. Улар ишни тузатишга ваъда бердилар. Лекин биз бундай ваъдаларни неча бор эшитиб, кўниқиб қолганмиз. Энди қуруқ гапдан амалий ишга ўтиш пайти келганлигини ҳар бир ваъдабоз раҳбар тушуниб етиши керак. Биз уларга моллар зотини яхшилашда, фермаларни кадрлар билан мустаҳкамлашда катта ёрдам беряпмиз. Лекин хўжалик раҳбарлари ишни янгича ташкил этишга, мавжуд имкониятлардан тўлароқ фойдаланишга шошилмаяптилар.

Бош зоотехниканинг куйиниб гапирганича бор. Раҳбарларнинг бепарволиги, билан Ҳ. Олимжон номли колхозда кейинги икки йил ичида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш салкам 100 минг сўмликка камайиб кетди. Назоратнинг сустлиги учун фермадаги зотдор моллар талон-тарож қилинди. Пировардида колхоз давлатдан 2,6 миллион сўм қарз бўлиб қолди. Охунбобоев номли, Вотинцев номли, «Партия XXII съезди» колхозлари ҳам чорвачиликдан фойда олиш ўрнига катта зарар кўрмоқдалар. Маҳсулот сифатининг пастлиги, озуқа базасининг ночорлиги, моллар тўла рацион асосида боқилмаётганлиги, фермаларда штат-молия интизоми қўпол равишда бузилаётганлиги учун ҳам давлатга келтирилаётган зарар миқдори тобора кўпайиб бормоқда. Бу — ачинарли ҳолдир.

Ҳозир барча меҳнат коллективлари Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилган ҳолда ишламоқдалар. Бу хайрли ишдан оққўрғонлик чорвадорлар ҳам четда қолмасликлари керак. Дастурхонимиз тўкинлиги, турмушимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан ферма ходимлари меҳнатига боғлиқдир. Буни ҳар дақиқа ёдда тутиш, зиммага юкланган мажбуриятларни бажариш чораларини кўриш зарур. Акс ҳолда ер чизиб қолиш ҳеч гап эмас.

Ж. НОСИРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

• НАРИМАНОВ ШАҲРИ •



● **НАРИМАНОВдаги «Иргидромаш» заводининг У. Полтаҳунов етакчилигидаги темирчилик-пресслаш участкаси ишчилари беш ойлик ишлаб чиқариш планини 107 процентга адо этдилар. Улар Улуғ Октябрь байрамигача икки йиллик планни бажариш мажбуриятини қабул қилишган. Бундан ташқари, 1000 сўмлик иқтисодий самара келтирадиган иккита рационализаторлик таклифини жорий этишга сўз берганлар. Суратда: корхона касаба союз комитети раиси О. Ким ғолиб бригадага вимпель топшираяпти.**

А. Зуфаров фотолари.

ЯНГИЙЎЛ •

Иқтисод ҳисобига 9 минг жуфт

ЯНГИЙЎЛ пойабзал фабрикаси коллективи ўтган беш ой ичида иқтисод қилинган материалар ҳисобидан пландагига қўшимча 9 минг жуфт болалар пойабзали ишлаб чиқарди. Корхонадаги кўпгина цех ва участкаларда йил бошида зиммага олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа тобора кенг авж оляпти. Бу меҳнат беллашувида Саломат Азимова ва Одил Османов етакчилик қилаётган участкалар коллективлари олдинги сафда боришмоқда. Шунингдек, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига зиммасига олинган шахсий мажбуриятлар олган ишлаб чиқариш пешқадамлари смена топшириқларини мунтазам ошириб бажариб, ҳамкасбларига намуна бўлишяпти. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Орзихон Икматова, фрезерчи Усмон Алиев, бичиқчи Эсма Жангазиева, тайёрловчи Меҳри Шаҳрамова, мустаҳкамловчи Мадина Валиева, елимловчи Валентина Истоминалар шулар жумласидандир.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.

«МАЛИКА»НИНГ НОТЕКИС МАРОМИ

• ТОШКЕНТ •

«МАЛИКА» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари тобора кенгроқ довруғ қозонмоқда, десак муболаға бўлмайди. Яқин ўтмишда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариб, қолоқлар сафида юрган корхона энди илғорлардан. Бирлашма нафақат пойтахт шаҳри, балки республикада ҳам трикотаж буюмлари тайёрловчи йирик корхона бўлиб қолди. Биргина ўтган йили 84 миллион 77 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу планда белгиланганидан 5482 минг сўмлик кўпдир.

Ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили муваффақиятлари чеварларни янада улкан зафарлар сари илҳомлантирди. Улар йил бошидан зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олиб меҳнат қилишмоқда. **Мажбуриятларнинг дастлабки пунктида корхонада илғор тажрибаларни, хўжалик юритишнинг янги усулларини ишлаб чиқишга жорий этиб, 1987 йилда планга қўшимча 200 минг сўмлик, Улуғ Октябрь юбилейига қадар 170 минг сўмлик кенг истеъмол товарлари тайёрланади, дейилган.** Амалда бу товарлар плани чакана нархларда беш ой ичида тўлиқ уддаланди.

Юксак сифат потокларида тайёрланаётган маҳсулотларнинг солиштирма оғирлиги йиллик пландаги даражага етай деб қолди. «Янгилик» индекслари буюмлар ҳозир 17,6 процентни ташкил этади. Мажбуриятда эса у йил охиригача 25 процентга етказилиши айтилган. Ассортиментнинг янгиланиши планга етишди учун 7,7 процент қолди. Демак, юқорида саналган мажбуриятлар кўрсаткичи —яхши.

Устки ва ички трикотаж буюмлари корхона маҳсулотининг асосини ташкил этади. Ўтган йили ана шу маҳсулотлардан салкам 24 миллион дона истеъмолчиларга жўнатилди. Бу йил планга қўшимча 32 минг дона трикотаж буюмлари савдога чиқарилади. Бу борада мажбуриятлар қандай бажарилаяпти? Устки трикотаж ишлаб чиқариш бир маромда кетаяпти. Ички трикотаж ишлаб чиқариш плани эса 189 минг дона орқада қолмоқда. Бунинг сабаби нимада?

— Бу маҳсулот бўйича план биринчи кварталда анча дуруст бажарилди, ҳатто планга қўшимча бир неча минг дона ички трикотаж ишлаб чиқарган эдик, — деди корхона бош экономисти Т. А. Сабенина.— Ҳеч йўқ, бе йўқ, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли «Узтрикотажпром» ишлаб чиқариш бошқармаси бу борадаги планни бирдан ошириб юборди. Сабабини суриштирсак, ўтган кварталга мўлжалланган ишга тушурилиши лозим бўлган баъзи трикотаж объектларда ишлар оқсаётганлигини рўкач қилишди. Мантиқни қаранг: бошқа корхоналар учун ҳам «Малика» ишлаши кераким?! Бир ой у ёққа югуриб, бу ёққа югуриб вазиятни тушунтирдик. Натижада юқори ташкилотларнинг аралашуви билан оширилган план бироз қисқартириб берилди. Барибир апрель ойидан бери кўзланган мақсадимизга эришолмаяпмиз.

Шу йилнинг бошида корхонада бўяш-пардозлаш цехининг янги биноси ишга туширилди. Бундан ҳамма хурсанд бўлди. Цехга турли маркадаги 80 та технологик янги, замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Булар орасида бирлашма меҳнат аҳли учун тамомила янги бўлган 8 та электро машиналари ва вертикал усулда газмолларни бўяйдиган аппаратлар бор. Унда бўяш жараёни босим билан амалга оширилади. Машиналар ёпиқ усулда бўлиб, ишчилар илгаригидек бўёқ исини сезмайдилар.

— Шундай афзалликларга эга бўлган аппаратлар ҳануз-гача кўнгилдагидек ишламаяпти, — дейди техника бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Т. Д. Аладжиева. — Бугун биттаси ишламаса, эртага бошқаси ишламайди. Ҳали ҳатто у автомат усулида фаолият кўрсата олмади. Тўғри, бу машиналар учинчи кварталнинг бошидагина лойиҳадаги қувватга чиқиши керак. Созловчилар етишмаслигидан қачонгача шундай ўтирамиз, билмайман...

Татьяна Даниловна бу камчиликлар оқибатида кўплаб газмолдан бракка чиқиб кетаяпти, демоқчи. Натижада хом ашё иқтисод қилиш плани бажарилмай қолаяпти. Ўтган даврда 27,5 минг метр хом ашё ортиқча сарфлаб юборилди. Хом ашё сарфланишига фақат бу цехни айбдор қилиб қўйиш тўғри бўлмас. Иккинчи сабаб ҳам бор: хом ашё етказиб берувчи айрим корхоналар шартнома мажбуриятларини бажармаяпти. Тошкент, Жиззах, Бухоро, Фарғона тўқимачилик комбинатлари маҳсулотни етказиб бераяпти, лекин бир маромда эмас.

— Тўп-тўп хом ашёнинг ичида браклари ҳам учраяпти, — суҳбатни давом эттирди Т. Аладжиева. — Бизда келтирилган хом ашёнинг сифати кўздан кечирилади. Маҳсулот бир маромда келмаслиги учун, учраган бракли хом ашёни мажбуран цехларга жўнатамиз. Агар шундай қилмасак, ишлаб чиқариш ўз-ўзидан тўхтаб қолиши табиий. Бунда ҳам бракка йўл очиб беришни била туриб, шундай қилишга мажбурмиз.

Бирлашмада электр, иссиқлик энергиялари тежаш планлари ҳам ошиғи билан бажарилмоқда.

Улуғ Октябрь юбилейи шарафига мингга яқин ишлаб чиқариш илғорлари, 21 та бригада коллективлари ҳам зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб меҳнат қилишмоқда. Боқи Омонов етакчилигидаги бригада коллективи 7 ноябрга икки йиллик планни бажариш ташаббуси билан чиққан эди. Унинг издошлари кўпайди. Тўқувчи Машкура Хаитова бу борадаги шахсий планни 6 январдаёқ уддалаб қўйди. Г. Тошматова, М. Тўлаганхўжаева, М. Аҳмедова, В. Норежная сингари пешқадамлар Улуғ Октябрь юбилейигача уч ярим йиллик, Т. Морьева икки ярим йиллик планни биргина ўн беш ойда бажаришга аҳд қилганлар. Бичиқчи Р. Сусайкина бу йил 570 килограмм газмол тежашга ва шу ҳисобдан уч кун иқтисод қилинган материаллар билан ишлашга сўз берган. У берган ваъдасининг устидан чиқиш учун бор-йўғи 80 килограмм хом ашё тежаб қолди!

— 1987 йилги социалистик мажбуриятларда бизнинг вазифалар ҳам ўз аксини топган, — дейди бирлашма касаба союзи комитетининг раиси Камолиддин Тожиев. — Жумладан, цехларда йил бошида берган ваъдаларимиз — гардероб, буфет, ювиниш, аёллар гигиенаси хоналарини ишга тушириш ҳозир 70—75 процент бажарилди. Корхона территориясида сартарошхона, химчистка, яримфабрикатлар ва кулинария магазини очилди, физкультура-соғломл а ш т ириш комплекси қурилиши ниҳоясига етай деб қолди.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши айрим жузъий камчиликларни ҳисобга олмаганда яхши кетаяпти. Лекин мана шу «жузъий» камчиликларни бартараф этиш зарур.

А. ҒУЛОМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ПАРВАРИШ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

● ЯНГИЙЎЛ районидаги Ленин номли колхознинг Қўчқор Ўсаров етакчилик қилаётган бригада коллективи бу йил 50 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқда. Улуғ Октябрнинг 70 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда гектар бошига пландаги 30 центнер ўрнига 35 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилган бригада аъзолари барча агротехника тадбирларини маромида ўтказишмоқда. Бунда, айниқса, механизатор Асқар Назарматовнинг хизматлари катта. У кунига 6—8 гектар майдондаги ғўза қатор ораларини юмшатмоқда.

СУРАТЛАРДА: (чапда) ишлов бериш пайти; (ўнгда) механизатор А. Назарматов.

А. Зуфаров фотолари.





• ДИН ҲАҚИДА МУЛОҚОТ •

Фалсафа фанлари доктори, профессор Т. С. САИДБОЕВ олиб боради

ИСЛОМ—БЎЙСУНМОҚ ДЕМАК

С: Шундай қилиб, VII аср бошларида араб қабилалари ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларни акс эттирувчи ва изоҳловчи янги мафкура — ислом пайдо бўлган. Дарвоқе, суҳбатимизни давом эттиришдан олдин сизга бир савол бермоқчиман: сиз «ислом» сўзининг маъносини биласизми?

И: Йўқ, билмайман.

С: Таажжуб. Сиз ўзингизни мусулмон деб ҳисоблайсиз, шекилли?

И: Албатта-да, мен ўзбекман, демакки, мусулмонман.

С: Жуда хом гап бўлди-ку. Сиз ахир худога ишонмайсиз-ку!

И: Бири иккинчисига боғлиқ эмас. Менинг ота-онам ҳам, бобокалонимнинг бобокалони ҳам, барча ўзбекларнинг жами аждодлари ҳам ўтмишда ислом динига эътиқод қилишган, маросимларини бажаришган, удумларига амал қилишган. Бундан чиқадики, агар етти пуштим мусулмон бўлганидан кейин мен ҳам мусулмонман-да.

С: Назаримда, хотирангиздан кўтарилибди, чоғи. аввал биз ўртаосиёлик халқларнинг қадим аждодлари зардуштий, манохей, бутпараст, ҳатто бир қисми насроний бўлганлиги тўғрисида гаплашган эдик.

И: Бу жуда қадимда бўлган. Қолаверса, уларнинг ҳаммаси кейинчалик исломни қабул қилишган. Демак, биз ҳаммамиз мусулмонмиз, шу жумладан мен ҳам мусулмонман.

С: Лекин дин ҳеч қачон миллат шаклланишининг зарурий белгиси бўлган эмас, қолаверса, у наслдан наслга ирсият йўли билан ўтиб бормайди. Янглишмасам, сиз ҳам диндорлар оиласида тарбиялангансиз. Аммо ота-оналарингизнинг художўйлигини мерос қилиб олмагансиз-ку?

И: Тўғри, албатта. Чунки мен ўсган замон бошқача эди. Аммо мен ислом урф-одатларига амал қилишим керак, булар миллий маросимларга айланиб кетган. деб ҳисоблайман. Хуллас менинг фикримча барча ўзбеклар мусулмондирлар.

С: Бу англашилмовчилик, сиздаги янглишиш бегараз ва самимий бўлганлиги учун гина эътиборга лойиқдир. Майли, ҳақ ёки ноҳақлигингиз хусусидаги масалани ҳозирча очиқ қолдирайлик. Биз бунга ҳали кўп қайтамиз. Ҳозирча бир саволга жавоб беринг-чи: мусулмон бўлиш нима дегани?

И: Ислом — бу дин, мусулмон бўлиш ислом динига эътиқод қилиш демакдир.

С: Умуман тўғри, лекин бу сўзларнинг маъноси нимадан иборат!

И: Сиз менга таъна қиляпсиз, шекилли? Сиз мутахассис экансиз, ўзингиз тушунтириб беринг, янглишсам хатоимни кўрсатинг.

С: Кечирасиз, сизни ҳафа қилиш ниятим йўқ эди.

И: Зарари йўқ, менимча, сиз «ислом», «мусулмон» деган сўзларнинг маъносини менга чақиб берарсиз. Аммо олдинги суҳбатимизга бу тушунчаларнинг алоқасини ҳам кўрсатиб беринг-да. Бўлмаса, исломгача мавжуд бўлган диний қарашлар, кишилар ўртасидаги муносабатларнинг ўзгариши ва ҳоказолар хусусида қурган суҳбатимизнинг боиси нима?

С: Хўп, ҳаракат қиламан. Еттинчи аср бошида, аниқроғи, 610 йили Макка шаҳридан чиққан савдогар Муҳаммад ўзини пайғамбар, яъни худодан ваҳий олиб турадиган одам деб ҳисоблаб, барча араблар ягона бир худога сиғинишлари лозим деган ғояни тарғиб қила бошлаган.

И: Аслида у ким бўлган ва нима учун айнан у янги динни тарғиб қила бошлаган?

С. Бу ҳақда бироздан кейин гаплашамиз. Ҳали биз Муҳаммаднинг тарғиботи-ю таълимотига, талабларию тартиботига кўп марта тўхталамиз. Ҳозир рухсатингиз билан Муҳаммад таълимотининг энг муҳим баъзи жиҳатларини қисқача баён этсам. Шунда аввалги суҳбатимизга боғлиқлик бўлади. Тушунарли бўлиши учун эслатиб ўтай, араблар исломгача кўпхудолик тарафдори бўлганлар.

И: Ҳа, ёдимда бор.

С: Муҳаммаднинг таълимотига кўра, фақат якка-ю-ягона қудратли ва мутлақ худо мавжуд. Фақат шу якка худо ҳар бир кишининг ва барча одамларнинг тақдирини белгилайди. Ҳар бир қум заррасидан тортиб, табиатдаги барча мавжудотларни тартибга солади, самою-коинот, ер-у-замин унга бўйсунади, деб ўргатарди Муҳаммад. Агар ҳар бир киши худонинг кўрсатмаларига оғишмай амал қилса худо адолат юзасидан оҳимин эшитиб, додимга етади, деб умид қилса бўлади дерди у.

И: Бу каби қарашлар арабларда илгари бўлганми?

С: Бўлган, бироқ сал бошқачароқ. Муҳаммаднинг тушунтиришича, бу худо ибтидоий динлардаги худолардан фарқли ўлароқ, фақат табиат устидангина эмас, кишилар орасидаги муносабатлар устидан ҳам ҳукмрондир. Бу дин ўша давр кишилари орасидаги муносабатларни, уларнинг дарду-ҳасратлари-ю, меҳнату турмушларини ифодалаган.

И: Бу худонинг номи нима?

С: Оллоҳ.

И: Муҳаммад ўйлаб топганми уни?

С: Ҳамма гап шундаки, йўқ. Муҳаммаддан анча олдин араб қабилалари худолари орасида ҳам бўлиниш содир бўлди: бош худолар ва иккинчи даражали худоларга бўлинди. Кўпчилик араблар, айниқса, Маккада истиқомат қилувчилар энг қудратли ҳисобланган худога — Ал-илоҳ, яъни Оллоҳга сиғинишар эди. Муҳаммад айнан шу худога эътиқод қилишга, уни жами араблар-нинг ягона худоси деб тан олишга даъват қилган эди.

И: Одамлар Муҳаммадга дарров эргашиб ишониб кетишдими?

С: Йўқ, албатта. Бу суҳбатлар мобайнида ҳаммаси тез содир бўлади, аслида эса янги динни тарғиб қилиш қийинчилик ва аста-секинлик билан борган. Норозилар ҳам, Муҳаммадга очиқ-ойдин душманлик кўзи билан қараганлар ҳам бўлган. Айни чоғда унга ихлос қўйиб кетидан эргашган одамлар ҳам топилган. Қисқаси, тахминан йигирма йиллар ўтгач, уни пайғамбар деб тан олган, унга эргашган одамлар сони жуда кўпайиб кетган.

И. Муҳаммаднинг иши бу қадар ўнгидан келишининг сабаби нимада экан?

С: Бунинг сабаблари кўп. Асосийси мен юқорида айтиб ўтганимдек, бу дин кишиларнинг кундалик ҳаётини изоҳлаб берар, арабларнинг хаёлини банд этган, лекин ҳали ўзлари англаб етмаган масалаларга жавоб берарди. Айниқса, кишилар орасидаги тенгсизлик масаласига.

И: Ушбу янги дин нима деб таълим берарди?

С: Бу дин кишилар орасидаги ижтимоий тенгсизлик, яъни бировнинг — бой, бошқасининг — камбағал. бировнинг — хўжайин, иккинчисининг — қул қилиб яратилганлиги Оллоҳнинг иродасидир, деб тушунтирарди. Қуръонда айтилишича, худо «айримларнинг ҳаётий насибасини бошқаларникидан афзал қилиб яратган» (16 сура, 73-оят), «ўткинчи ҳаётдаги «ризқу-рўзини» ўзи тақсимлаган ҳамда «бирларингиз бошқаларингизни ўз хизматингизга олишингиз учун, мартабангизни улуғ қилган» (43 сура, 31-оят). Хуллас, одамлар бир хилда яратилган эмас. Йўқсил банда бориga қаноат қилиши лозим, бировларнинг бойлигига кўз олайтирмаслиги даркор. Ҳар бир кишининг тақдирини парвардигор ўзи белгилаб, пешонасига ёзиб қўйган. Фақат сабру-қаноат ва тоатибодат савобнинг конидур. Итоатли ва қаноатли бандани юксак самовий мукофот — жаннат кутиб турса, беимон ва бодгуноҳ кишига дўзах азоблари тайёрлаб қўйилган. Ислом сўзи ҳам бўйсуниш, таслим бўлиш деган маънони англатади. мусулмон (муслим) эса, бўйин эгган. таслим бўлган деган маънодадир.

И: Кимга бўйсуниш керак, нимага сабр қилиш лозим?

С: Оллоҳга бўйсуниш керак, фақирликка чидаш керак, тақдирга тан бериш керак, сенга зулм ўтказаётганларга қуллуқ қилиш керак, ўнг юзингга урса, чап юзингни тутишинг керак, деб ўргатади ислом дини.

И.: Мусулмон бўлиш учун шу кифоями?

С: Ўзингиз билиб тургандек, асло кифоя эмас. Мусулмон бўлиш учун ислом динининг талай ақидаларига ишониш керак, кўпдан кўп талабларини, удум ва маросимларини бажариш шарт.

И: Шу барча талаблар Муҳаммад даврида расм бўлганми?

С: Ундан кейинги даврларда айрим талаблар қўшилган, лекин асосан ҳозир ҳам VII асрларда қандай бўлган бўлса шундайлигича қолган.

И: Булар тўғрисида кейинроқ гаплашсак-у, ҳозир бир саволимга жавоб берсангиз: хўш, бу дин зулмни оқлайдиган, тенгсизликни ёқлайдиган таълим экан, нега бундай адолатсиз дин халқ орасида ҳам кенг тарқалиб кетди?

С: Сиз кимнинг нуқтаи назаридан исломни адолатсиз деяпсиз?

И: Масалан, ўзимнинг нуқтаи назаримдан.

С: Аввало сиз VII асрлик бадавий араб эмассиз. Иккинчидан, шу кунларда ҳам бу динга эътиқод қилувчилар сони оз эмас. Аммо улар, сиздан фарқли ўлароқ, олий маълумотга эга эмаслар, адолатни бошқача тушуниш руҳида тарбияланганлар.

И: Яхшиси, VII аср арабларига қайтайлик.

С: Тоқатингиз тоқ бўлмасин. Биз яна сизга зерикарли туюлса-да. иқтисодий муносабатлар тўғрисида сўзлашамиз...

И: Илож қанча. Сиз VII аср бошларига келиб араб қабилаларининг илгари тенг бўлган аъзолари орасида тенгсизлик пайдо бўлганлиги хусусида гапириб берганингиз ёдимда. Хўш. бу тенгсизлик қандай қилиб ва нима учун айнан ўша даврда вужудга келган?

С: Тенгсизлик дабдурустдан пайдо бўлмаган, балки ўн йиллар, ҳатто асрлар мобайнида шаклланган. Аммо VII аср бошларига келиб хусусий мулкчиликнинг қарор топиши воқеликка айланган. Ўйлайманки, шахсий ва хусусий мулк орасидаги фарқни билсангиз керак?

И: Ҳар ҳолда хабарим бор. Лекин яна бир такрорласак ёмон бўлмайди, чунки мен иқтисодий ўзгаришларнинг дина алоқасини чуқурроқ тушунмоқчиман.

С: Араб уруғлари аъзоларининг кўпчилигида шахсий мулк бўлган, яъни кундалик турмуш учун уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак, қуроласлаҳа ва ҳоказолар. Қабила бошлиқлари ва уларнинг аёнлари қўлида анчагина бойликлар — мол-ҳол, ер-мулк, қимматбаҳо ашёлар ва ҳоказолар тўпланиб борган. Бадавлат савдогарлар ҳам пайдо бўла бошлаган, чунки Макка савдо маркази бўлиб, Арабистон орқали катта карвон йўллари ўтган ва аҳолининг кўп қисми савдо билан боғлиқ бўлган.

И: Бу айтганларингизнинг динга алоқасини кўрмаяпман.

С: Кишиларнинг иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар уларнинг онгига, психологиясига, ахлоқига жуда катта таъсир ўтказишини, назаримда. сиз ҳисобга олмаяпсиз ёки тасаввур этмаяпсиз. Айнан шу ўзгаришлар диний ўзгаришларга ҳам таъсир этади, умуман диннинг барча таркибий қисмларини ўзгартиради. Ўйлайманки, сиз бунга ишонч ҳосил қиласиз.

И: Ишонишга тайёрман, фақат ишонтираолсангиз, бас.

С: Шундай қилиб, араб жамиятида бўлиниш содир бўлди,. Бир-биридан мавқеи, турмуш тарзи, бошқаларга муносабати билан фарқланувчи ўзаро душман синфлар шакллана бошлади. Дарвоқе, мавжуд диний тасаввурлар на бир синфни, на бошқасини қаноатлантирмас эди.

И: Нима учун?

С: Шошилманг, ҳозир айтаман. Уруғчилик тузуми охирига келиб қабила аъзоларининг ўзаро тенглиги амалда қолмаётган бўлса-да, лекин шаклан сақланган эди. Бироқ ҳаёт тубдан ўзгариб борди. Бир гуруҳ озчилик араблар бойлик ҳокимият ва қабиладошлари тақдирини ўз қўлларига олишди. Лекин уруғ-қабилачилик анъаналари таъсири остида улар юзаки тенгликка мажбур бўлишар, бойликларидан ортиқ фойдалана олмас, маишатга берила олмас эдилар. Ҳатто бой бўлиб қолганидан ҳижолатга тушадиган, ўз уруғдошлари олдида ўзини оқлашга ҳаракат қилганлар ҳам бўлган. Камбағаллар ҳам қабила бошлиқлари ва бойларга қарам эканликларини ҳис қила бошлаганлар. Бу ҳодисалар уларни руҳан эзар, тенгликнинг номигина қолаётганлиги азоблар, аммо бу ҳодисаларни тушуниб, изоҳлашга қийналар эдилар. Қисқаси, араб жамиятининг барча аъзолари янги ҳаёт шароитларини тушунишга муҳтож эдилар. Улар ўз ҳудоларига мурожаат этишар, табиийки. улардан ҳам жавоб ололмас эдилар.

И: Нима учун?

С: Аввало шунинг учунки, булар бутлар — яъни кўз билан кўриб, қўл билан ушласа бўладиган, тош, қоя, дарахт, юлдуз каби табиий ашёлар эдики, буларга сиғиниш кишиларнинг назарида табиий офатлардан асрар эди, холос. Кишилар орасидаги муносабатларни булар изоҳламас эди. Иккинчидан, бу худолар ўзаро тенг бўлган.

И: Ҳудоларнинг тенглиги ҳақидаги фикрни биринчи бор эшитишим.

С: Ажабланарли ери йўқ. Одамлар ўзаро тенг пайтларда улар ўйлаб топган худолар ҳам тенг бўлган. Янги вазиятда улар бойларни ҳам, камбағалларни ҳам қаноатлантирмаган.

И: Аниқроқ қилиб сўзласангиз-чи?

С: Бойларни қаноатлантирмаслигининг боиси, уларнинг бадавлатлиги, камбағаллардан афзаллигини оқламаган, йўқсулларни қаноатлантирмаганига боис — уларнинг қашшоқлиги, ҳукмдор ва бойларга қарамлигини изоҳлаб бермаган.

И: Аммо одамлар шуни англаб етганми?

С: Албатта-да. Айнан шунинг учун араблар икки тарафини қаноатлантирадиган динга муҳтож бўлган ва уни ахтарганлар.

И: Хўш, ислом дини бойларга қўл келганини тушунса бўлади, аммо камбағалларга нима учун мақбул келган?

С: Бу хусусда нейинги сафар суҳбатлашамиз.

(Давоми. Бош газетанинг 22, 28 май сонларида).

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

● КАЛИНИН районидаги «Москва» совхозида меҳнаткашлар учун қатор қулайликлар яратиб берилмоқда. Яқинда бу ерда янги магазин биноси ишга тушди. Уч бўлимдан иборат мазкур магазинда уй-рўзғор, хўжалик буюмлари, озиқ-овқат, кийим-кечаклар сотиляпти.

И. ҚОСИМОВ.

● НИЗОМИЙ номли Тошкент Давлат педагогика институтида «Зеҳн» конкурси ўтказилди. Ҳозиржавоблик ва моҳирлик билан барча шартларни мукаммал бажара олган тарих факультети студентлари — Олмахон Бердимуродова ва Ўктам Мансуровлар конкурсда ғолиб чиқиб, қимматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотландилар.

А. МАДАТОВ.

Шоир асарлари саҳнада

БУЮК рус шоири Александр Сергеевич Пушкин таваллудига 188 йил тўлди. Бутун тараққийпарвар инсоният учун бу машҳур шоирнинг мўътабар номи ҳамда ижодиёти умрбоқийликка юз тутди, у яратган асарлари, ноёб тафаккури, эзгу ниятлари, фалсафий мушоҳадалари, интернационализми, ватанпарварлиги билан диллар ва тилларда демакдир.

Барча халқлар сингари Ўзбекистонда ҳам А. С. Пушкин ва унинг ижодини жуда яхши билишади ва қадрлашади. Шоир асарлари шеърият, адабиёт ва санъатни севган ҳар бир киши учун ҳамиша азиз ва қадрлидир. Кўчалар, парклар, илмий текшириш институти, мактаблар. майдонлар, маданият уйлари, кутубхоналар Пушкин номи билан аталган.

Бадиий ижод аҳли учун ҳам Пушкин ҳаёти ва ижоди улкан бир дорилфунун, ибрат ва маҳорат мактаби, ҳаёт ва кураш минбари бўлиб хизмат этиб келмоқда. Буюк шоир мероси ўзбек саҳна санъати ижодкорлари учун ҳам катта бир университетдир. Республикамиз театр коллективлари ҳам Пушкин ижодиётининг дурдоналари таъсирида ўсдилар, ижодий маҳоратларини такомиллаштирдилар.

Пушкиннинг драма асарлари республикамиздаги қатор театрларда муваффақият билан саҳналаштирилган. Масалан, 1935 йилда М. Горький номидаги рус драма театрида «Борис Годунов» трагедиясининг саҳналаштирилиши маданий ҳаётимизда ўзига хос ҳодиса бўлди.

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри ҳам шоир асарларини саҳналаштириш ишига катта ҳисса қўшди. 1949 йилда Пушкиннинг «Тош меҳмон», «Хасис рицарь» кичик трагедиялари ва «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак» асари саҳналаштирилди. Бу уч асар бирлаштирилиб, бошловчи ролини атоқли актёр Олим Хўжаев ижро этди. Мазкур спектаклда бир неча ёдда қоларли образлар яратилди. Сора Эшонтўраева назокатли ва сержаҳажон Донна Анна ролини, Наби Раҳимов аввалига шўх хушчақчақ бўлган, кейинчалик қаттиқ севиб қолган ва изтироб чекадиган Дон Гуан ролини ижро этганди. Артист Ҳикмат Латипов Барон образини талқин қилиб, таъмагирлик туфайли инсон шахси инқирозга юз тутишининг ёркин манзарасини яратди. «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак»даги Чол билан Кампир ролини артистлардан Миршоҳид Мироқилов ва Мария Кузнецова

А. С. ПУШКИН ХОТИРАСИ КУНЛАРИ

ўткир ҳаяжон ва зўр юмор билан ижро этишганди.

А. С. Пушкин асарлари асосида яратилган опера ва балетлар устида Алишер Навоий номидаги опера ва балет Давлат Катта театри коллективи ҳам жуда кўп ишлар қилди. 1947 йилда ўзбек труппаси «Пиковая дама», бир йилдан сўнг эса «Евгений Онегин» операларини саҳналаштирди. Балет труппаси Р. Глиэрнинг «Мис чавандоз», Б. Асафьевнинг «Богчасарой фонтани» балетларини саҳналаштирди.

Рус ва совет классикаси асарлари билан бўлган ҳар бир учрашув опера ва балет театри коллективининг ижодий камолоти учун жиддий имтиҳон вазифасини ўтади. Классиклар ижоди асосида яратилган ҳар бир постановка, спектаклларнинг музыкавокал, рақс ва саҳнавий ютуқлари юксак бадиий-безак маданиятини намойиш этди.

Одатдагидек театр санъаткорлари куйлаш ва рақсга тушиш билан бирга ўзларининг вокал ва рақс маҳоратларини саҳнавий ижро билан, инсоннинг ҳаққоний характерини ярата билиш билан бирга уйғунлаштириб бордилар.

Худди мана шу Навоий номли театрнинг «Пиковая дама» спектаклидаги Лиза билан Германнинг ёдда қоладиган вокал ва саҳнавий образларини Сора Самандарова билан Муллажоновлар яратишди. «Евгений Онегин»даги Татьяна билан Евгений ролларини Салима Хўжаева билан Насим Ҳошимовлар ижро этдилар. «Мис чавандоз» балетидаги ёш Парашанинг образини эса Галия Измайлова ниҳоятда таъсирли яратди.

А. С. Пушкин асарлари республикамиздаги область театрлари ва Қорақалпоқ театрида ҳам саҳналаштирилиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Буюк шоир асарлари ҳозир ҳам музика ва театр санъати ёш ижрочиларини тарбиялаб, вояга етказишда катта мактаб ролини ўтамоқда. Унинг асарлари асосида яратилган опера, балет, драмалар Тошкент Давлат консерваторияси, театр ва рассомлик санъати институти, хореография билим юрти талабаларининг диплом спектакларини ташкил этмоқда.

Пушкиннинг ижодий мероси ниҳоятда улкан ва серқиррадир. Шоир асарларини саҳнада гавдалантириш учун ҳали жуда кўп ишлар қилиниши керак. Театрларимиз келажакда ҳам бу йўлдан бориб, шак-шубҳасиз, ажойиб спектакллар яратишади ва улар ҳақли равишда республика музика ва театр санъатининг янада ривож топишига, маданиятимиз равнақига хизмат қилади.

Б. НАСРИДДИНОВ,
театршунос.

Чет эл хабарлари

ТОМЧИ ТОШНИ ТЕШАДИ

«Ушоқлардан уюмлар, томчилардан денгизлар пайдо бўлади», — дейиларди Африка халқ мақолида. Бу Жанубий Африка мамлакатлари Жанубий Африка Республикасига иқтисодий қарамликдан озод бўлиш ва бу ирқчи давлатга қарши кенг қамровли санкцияларни жорий қилиш бўйича олиб бораётган куч-ғайратларига ҳам тўла тааллуқлидир.

Муаммо оддий эмас. Мустамлакачилик давридаёқ бу мамлакатларни Претория билан яқин иқтисодий ришталар билан боғлаш учун барча имкониятлардан фойдаланишга интилинди. Бундай аҳвол ҳамон сақланмоқда. Шуни айтиш кифоякки, бу мамлакатлар ташқи савдосининг салкам 25 проценти ЖАРга тўғри келади. Ташқи савдо юкларининг 85 проценти Жанубий Африка портлари орқали ташилади.

Ботсвана, Свазиленд ва Лесото 70 йилдан ортиқроқ вақтдан бери ЖАР билан божхона иттифоқига киради. Бу иттифоқдан келадиган тушумлар Лесото ва Свазиленд бюджетининг учдан икки қисмини ва Ботсвана бюджетининг учдан бир қисмини ташкил этади. Шу ҳам маълумки, ЖАРда қўшни Африка мамлакатларидан жуда кўп мавсумий ишчилар меҳнат қиладилар, уларнинг пул переводлари чет эл валютаси тушишининг муҳим манбаидир.

Ирқчилик давлати ана шу қарамликни доим кўшни мамлакатларга сиёсий тазйиқ воситаси сифатида фойдаланади. Масалан, шу йилнинг февралида Африка жанубий мамлакатларини ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича конференция (САДКК)га қирувчи 9 та мамлакатнинг йиллик сессияси вақтида Претория билан иқтисодий алоқаларни камайтириш йўллари муҳокама қилинганда ЖАР Зимбабведан Ботсвана орқали ЖАРга борувчи муҳим темир йўл линиясида юклар ташишни тўхтатиб қўйиш билан дўқ қилди.

Бироқ, бундай дўқ-пўписаларга қарамай, Африка жанубий мамлакатлари қарамлик ҳолатидан қатъий равишда тўла халос бўлишга азму-қарор қилганлар. Масалан, Замбия ҳукумати мис маъданини ЖАР орқали экспорт қилишни тўхтатишини маълум қилди. Зероки, сўнгги вақтларгача Замбия 90 процент мисни ирқчи давлат территорияси орқали экспорт қиларди.

Замбиянинг мисоли Ғарб матбуотининг Африка жанубий мамлакатлари иқтисодий қийинчиликлар туфайли ЖАР билан ўз алоқаларини уза олмайдилар, деган ахборотини инкор этади. Ассошиэйтед пресс мухбирининг Хараредан яқинда берган ахборотида бу мамлакатлар ЖАРга қарши ваъда берган санкцияларнинг жорий қилинишига Зимбабве ва Замбиядаги истиқболдаги иқтисодий тушкунлик йўл қўймайди, деди. Илгари, худди шундай гуманонни «Нью-Йорк Таймс» газетаси ҳам ёзган эди.

Албатта, иқтисодий қарамликдан озод бўлиш учун қатор чоралар кўриш, аниқ планга эга бўлиш керак. Бундай план САДКК доирасида ишлаб чиқилган. Унда ҳозирги вақтда у ёки бу сабаблар билан фойдаланилмаётган денгизга томон борувчи альтернатив транспорт йўлларини тиклаш энг асосий вазифа қилиб белгиланган. Мозамбикдаги Бейра портини янгилаш, шунингдек, шу портга борувчи темирйўлни ва тош йўлни реконструкция қилиш лойиҳаларини тузилди. Бейра йўлагини — Африка жанубий давлатлари учун «ҳаёт йўли»ни реконструкция қилиш лойиҳасини амалга ошириш бу мамлакатларга 280 миллион долларга тушади.

САДККга кирувчи мамлакатлар раҳбарлари савдонинг альтернатив ривожлантириш имкониятларини яратиш, транспорт йўлларидан фойдаланиш жуда катта сарф-харажатлар ва йўқотишлар билан боғлиқ эканлигини яхши тушунадилар. Лекин айни вақтда улар ирқчилик мавжуд бўлар экан уларнинг мамлакатлари агрессия ва иқтисодий барқарорсизлик ҳаракатлари хавфи остида доим бўлишини ҳам ҳис қиладилар. САДККнинг маълумотига қараганда ЖАР томонидан фақатгина 1980 йилдан 1986 йилгача бўлган даврда душманликдан иборат хатти-ҳаракатлар қўшни мамлакатларга 10 миллиард доллар зарар келтирди. Бу шу мамлакатлар томонидан олинган барча чет эл «ёрдами»дан анча кўпдир.

Бу масаланинг иқтисодий томонидир, бироқ унинг сиёсий томони ҳам бор. Бу ЖАР ва Намибия халқларининг ирқчиликни таг-томири билан йўқотиш учун курашини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ дир. САДКК мамлакатлари раҳбарларининг фикрича, бунда Претория қарши кенг қамровли санкциялар катта роль ўйнаши керак.

Претория қарши санкциялар тўғрисидаги масала бутун Африка учун, шу жумладан, қитъанинг жанубидаги мамлакатлар учун принципиал масаладир. Бу мамлакатларнинг халқлари ва раҳбарлари ана шу санкцияларнинг, ирқчилик ҳимоячиларининг бу санкцияларга нисбатан яширин ва ошкора курашларига қарамай, қўлланилишини изчил талаб этмоқдалар.

Олег ЦВЕТАЕВ,
(АПН).

СССР ва Ҳиндистон нефтчиларининг катта муваффақияти

ДЕҲЛИ, (ТАСС). Мамлакат шимолидаги Химачал — Прадеш штатида Ҳиндистондаги энг чуқур қудуқлардан бири — «Ёрри-1» парма-ланиб бўлди. Бундан олинган муҳим маълумотлар совет мутахассисларининг Химолай этакларида нефть запаслари бор деган тахминларини тасдиқлади.

Нефть қазиб чиқаришни кенгайтиришда Ҳиндистонга берган қимматли ёрдамлари учун СССРлик дўстлардан бағоят миннатдормиз, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда «Ойл Индиа лимитед» компанияси кенгашининг раиси С. Ч. Н. Жатар. Ғарб мамлакатлари республика территориясида нефть изланишлари истиқболи йўқ деб турганида Совет Иттифоқининг бегараз ёрдами бизга янги катта-катта нефть конларини очишимизга, Ҳиндистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашимизга имкон берди, деб таъкидлади у.

ЙЎЛБАРСЛАРНИ ОЛИБ ҚОЧИШДИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Номаълум қароқчилар бу ерда бир жуфт альбонис йўлбарслар солинган автофургонни ўғирлаб кетдилар. Ноёб йиртқичларни телестудияда суратга олиш учун олиб кетаётган ўргатувчи нонушта қилиш учун шаҳар марказида тўхтаган эди. У кафедан чиқиб қараса, автофургон ғойиб бўлипти.

Бир неча соат ўтгач, полиция машинани Нью-Йорк чеккасидан топди. Қароқчилар фургондаги йиртқичларни кўриб эсхоналари чиқиб кетган ва қисматлари билан ўйнашишга жазм этмаган бўлсалар керак. Йўлбарслар бешикаст эгасига қайтарилди. Эй-Би-Си телекомпанияси ана шу қизиқ ҳангомани шарҳлаб, йиртқичларнинг топилганидан Лондондаги «Ллойдес» компанияси жуда хурсанд бўлганлигини таъкидлаб ўтди, чунки бу йиртқичлар ана шу компанияда 2 миллион долларга суғурта қилинган эди.

ТУРКИЯДА НАТО БЛОКИНИНГ МАШҚЛАРИ БОШЛАНДИ

АНҚАРА, (ТАСС). Туркиянинг шарқий районларида НАТО блоки ҳаракатчан кучларининг «Аврора экспресс-87» шартли ном остидаги машқлари бошланди, Анатолия агентлигининг хабар беришича, машқларда блокда қатнашувчи етти мамлакат: Туркия, АҚШ, Англия, ГФР, Бельгия, Италия, Люксембургнинг 5 мингдан кўп ҳарбий хизматчиси қатнашмоқда.

Машқлар ўтказилаётган Карс, Эрзурум ва Агра вилоятларига 1500 тага яқин ҳарбий машина, 40 та самолёт, бошқа ҳарбий техника ташланди.

Июнь охиригача давом этадиган машқларга НАТО блокининг Европадаги бирлашган қуролли кучлари олий бош қўмондони генерал Рожерс келиши керак.


ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ВАШИНГТОН. Америкининг «Саратога» авианосеци «Филейтли» ракета кемаси кузатувида Ўрта денгизга бормоқда, деб хабар қилди Пентагон вакили. У «Саратога» Ўрта денгиздаги «Китти хок» авианосецининг ўрнини эгаллаши ва у ерда «мунтазам соқчилик» қилиш учун қолишини айтди. Бироқ, «Флейтли» ҳамда АҚШнинг Ўрта денгиздаги кемаларидан яна иккитаси «АҚШ ҳарбий-денгиз кучларининг Форс кўрфазидаги группасини мустаҳкамлаш учун «тез орада» у ерга йўл олади.

Шундай қилиб, Пентагон АҚШ маъмуриятининг Форс кўрфази районидаги аҳвол ва АҚШ сиёсати хусусида конгресга ваъда қилган докладини тақдим этишни кутиб турмай, Форс кўрфазида ва унга Ўрта денгиз ҳамда Ҳинд океани томонидан яқин бўлган районларда АҚШ Ҳарбий-денгиз кучларини кўпайтиришга шошилмоқда.

● БОННГ. ГФР мудофаа министрлигида Бундесвернинг ядро каллаклари ўрнатилиши мумкин бўлган «Першинг-1 А» оператив — тактик ракеталарини янада мукаммалроқ «Першинг-1 Б» ракеталари билан алмаштиришнинг конкрет режалари ишлаб чиқилди. Германия социал-демократик партиясидан Бундестагга сайланган депутат Катрин Фукс «Парламентариш-политишер прессединст» пресс бюллитени мухбири билан суҳбатда шу ҳақда гапирди. Бундан ташқари, деб таъкидлади Фукс, Бонн ҳарбий маҳкамаси ана шу «модернизацияланган» системаларга қўшимча равишда Ғарбий Германия территориясида Польша, ГДР, Чехословакиядаги нишонларни яксон эта оладиган камида 200 та оддий ракета жойлаштиришни мўлжалламоқда. Шуниси диққатга сазоворки, деб хабар қилади ДДП агентлиги, ГФР мудофаа министрлиги вакили Фукс гапларини шарҳлашдан бош тортди.

(ТАСС).





● ТОШКЕНТ чинни заводининг чинни идишлар цехида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини меҳнатда муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун бошланган мусобақада ёш коммунист Қудрат Мираҳмедов ҳам олдинги ўринда бормоқда. Самарали ишлари эвазига ўтган йили «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланган бу мутахассис бугунларга нафис жило бериш санъатини пухта эгаллади. Айни пайтда у Тошкентдаги Низомий номли педагогика институти бадиий графика факультетининг кечки бўлими студенти ҳамдир. Суратда Қ. Мираҳмедов иш устида.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

● СПОРТ ● СПОРТ ● ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

ШАХМАТ БЎСТОНИНИНГ БОҒБОНЛАРИ

Математик, олим, арбоб...

10-САЙР

Макс Эйве 1935 йилнинг октябрида жаҳон биринчилиги учун бўлган матчда Алехинга қарши шахмат тахтаси ёнига ўтирар экан, муваффақият қозонишига ўзи ҳам унчалик ишонмаган эди. Охири 30-учрашув олдидан голландиялик шахматчи жаҳон чемпионидан бир очко олдинда эди. Алехинни фақат ғалаба қутқариб қола оларди, лекин ўйин дуранг билан якунланди. Матчнинг умумий ҳисоби 15,5:14,5 (+9—8=13) бўлди. Макс Эйве тарихда жаҳоннинг бешинчи чемпиони бўлди. Икки йилдан сўнг унвонини Алехиннинг ўзига қайтаришга тўғри келган бўлса-да, бу илгари эришилган ғалабани сира камситмайди.

Эйвенинг юқорилашиш йўли тахминан кўпгина атоқли гроссмейстерларникига ўхшаган. Шахмат билан эрта болалигида ҳали беш ёшга ҳам тўлмай (у 1901 йилнинг 20 майида Амстердамда туғилган) танишди, 11 ёшидан клуб мусобақаларида ўйнай бошлади.

Тез орада у Голландиянинг кучли шахматчилари сафидан жой олди. Ёш мастернинг халқаро майдондаги дебюти ҳам чакки ўтмади. Унинг маҳорати мусобақа сайин ўсиб борарди.

Битта муҳим нарса Эйвени ҳарқалай бошқалардан ажратиб турарди: у ҳеч қачон чин маънодаги шахмат профессионали бўлмаган. Даставвал лицейда математикадан дарс берди, кейинчалик эса университет профессори бўлди. У нафақат турнирларда ўйнарди, балки китоблар, мақолалар ёзарди, газеталардаги бир қанча шахмат бўлимлари унинг таҳрири остида чиқарди.

Кўп йиллик шахмат фаолиятида Эйве 90 та турнир ва 30 та матчда қатнашган. XX асрнинг барча энг кучли шахматчилари унинг ҳарифи бўлган. Эришилган ғалабалар озмунча эмас — биринчи совриннинг ўзидан 30 тача. Назариётчи сифатида ҳам Эйвенинг ҳиссаси улкандир. Умуман, Эйве нафақат чуқур стратег, балки зўр тактик ҳам эди. У ҳамиша курашга интилар, жуда яхши ҳужум қилар, соз ҳимояланарди.

1970 йилдан 1978 йилгача ҳалқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) президенти бўлган Эйве издоши — исландиялик гроссмейстер Ф. Олаффсонга 100 дан ортиқ мамлакат шахматчиларини бирлаштирувчи баобрў ҳамда кучли ташкилотни мерос қилиб қолдирди.

Макс Эйве узоқ вақт давомида Голландия ҳисоблаш марказининг раҳбари ва икки университетнинг профессори бўлган эди.

ЭЙВЕ — НАЙДОРФ


Тож талабгорлари турнири, 1953 йил.

1. d4 Кf6 2. c4 g6 3. g3 Cg7 4. Cg2 0—0 5. Кc3 c5.

Бу ҳиндча ҳимоянинг бир шакли бўлиб, шундай камчиликка эга: қораларнинг шоҳ томонидаги фили бурчакдан чиқарилганлиги туфайли баъзи вариантларда оқлар кейинчалик d5—d6 суриши мумкин.

6. d5 e5. 7. Cg5 h6 8. C:f6 Ф:f6 9. d6 Кc6. 10. e3 b6 11. Cd5 Крh8 12. Ке4 Фd8 13. h4 f5 14. Кg5 Cb7.

Оқларни 15 Кf7+ Л:f7 16. C:f7 ўйнашга таклиф этилмоқда. Бунда қоралар сифат ютқазса-да, лекин 16...Кb4 17. Лh2 Ф:f6 18. Cd5 C:d5 19. cd e4 дан сўнг уларнинг сипоҳлари активлашиб, оқлар қийинчиликлар гирдобида қолади.



15. g4! e4 16. Ке2 C:h2 17. Кf4! Фf6 18. g1 C:a1 19. K:g6+ Крg7 20. K:e4 Cc3+ Лекин 20... Ф:f5 эмас, чунки 21. Ф:a1+ Кр:g6 22. Лg1+ 21 Крf1 Ф:f5.



Бир қарашда воқеалар қоралар учун унчалик чакки ривожланмаётганга ўхшайди: улар бир рух ортиқ, кези келса, f 2 ни уриш билан боғлиқ мот қилувчи комбинация амалга ошиши мумкин ва ниҳоят g6 даги оқ от зарба остида. Бироқ кейинги юришдан сўнг оқларнинг барча сипоҳлари рақиб шоҳига шиддатли ҳужум бошлашга шай бўлиб қолади.

22. Кf4 Крh8. Қоралар филини сақлаб қола олмайди: 22...Ce5 23. Кg3 Фh7 24. Фg4+ Крh8 25. Кg6+; ёки 22...Cf6 23. Кg3Фe5 24. Фg4+; ёки 22...Фe5 23. Фg4+

23. K:c3 Лae8 24. Кce2 Лg8. 25. h5 Лg5 26. Кg3 Л:g3 27. fg Л:e3 28. Крf2 Лe8 29. Лe1 Л:e1 30. Ф:e1 Крg7 31. Фe8 Фc2+ 32. Крg1 Фd1+ 33. Крh2 Фc2+ 34. Кg2. Энди оқ шоҳ хотиржам. Қора шоҳ эса...

34... Ф:f5. Энди ҳимоя чоралари қолмади.

35. Фg8+ Крf6. 36. Фh8+ Крg5 37. Фg7+ Қоралар таслим бўлди. Улар икки юришда мот бўлади: 37... Кр:h5 38. Cf7+ Ф:f7 39. g4x Чиройли мот, а!

Бу ўйинни ҳар қанча машқ қилса арзийди.

М. МУҲИДДИНОВ.

ТАДБИРЛАРГА БОЙ БЎЛДИ

Оққўрғон районида ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш ойлиги бўлиб ўтди. Унда меҳнат коллективларидаги 80 дан ортиқ ҳушёрлик учун кураш жамияти бошланғич ташкилоти кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борди. Район марказий касалхонаси, маданият бўлими, ҳушёрлик учун кураш район жамияти билан ҳамкорликда ичкиликбозлик ва алкоголизмнинг зарари, соғлом турмуш тарзи тўғрисида қизиқарли суҳбат ва лекциялар, тематик кечалар ўтказилди.

Айниқса, «Ленинизм» колхози, «Оққўрғон» совхози, 32-ҳунар-техника билим юрти, район ахборот-ҳисоблаш марказида ўтказилган ана шундай тадбирлар меҳнаткашларда катта таассурот қолдирди.

А. НОСИРОВА.

ГРАЖДАН МУДОФААСИ

БУНИ ҲАММА БИЛИШИ ВА УДДАЛАШИ ЛОЗИМ

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва аҳолини шахсий ҳимоя воситалари билан таништириш борасида граждан мудофааси ходимларидан Р. Аҳмедов, Р. Ардашеров, В. Колтунов, Х. Светлида кабилар намунали фаолият кўрсатмоқдалар. Яқинда Ўрта Чирчиқ районида ўтказилган граждан мудофааси машқларида қатнашганлар шахсий ҳимоя воситаларини пухта эгаллаганликларини намойиш этдилар. Шунингдек улар машқлар давомида граждан мудофааси сигналлари берилганда ёки табиий офат содир бўлганда қандай ҳаракат қилиш йўлларини ўргандилар.

Граждан мудофааси олдида турган вазифалар ва уни омма ўртасида пропаганда қилиш Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Бўстонлиқ районида яхши йўлга қўйилган. Коммунист В. Лихорев раҳбарлигида Ангрен шаҳрида ўтказилган граждан мудофааси ҳафталиги жуда қизиқарли бўлди. «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилган мусобақалар эса шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишга бағишланди. «Узбекрезинотехника» бирлашмасида бўлиб ўтган ҳафталикда граждан мудофаасига оид лекция ва суҳбатлар, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар уюштирилди. Бунда 500 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар қатнашдилар. Қатор цехларда «Оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш чоралари», «Аҳолининг граждан мудофааси сигналлари берилгандаги ҳозирлиги қоидалари» мавзуидаги кинолекталар ва диафильмлар намойиш этилди.

Бўстонлиқ районида ўтказилган граждан мудофааси ҳафталигида комсомол комитети, ДОСААФ, маданият ходимлари актив қатнашдилар. Кўпгина ташкилотлар, колхоз ва совхозларда аҳоли ўртасида машғулотлар ўтказиш учун махсус ўқув хоналари ташкил этилган. Эришилган натижалар эса район «Коммунизм учун» газетаси саҳифаларида мунтазам ёритиб борилади.

Граждан мудофаасининг омма ўртасида яхши йўлга қўйилганлиги ва қизиқарли ташкил этилганлиги учун Ангрен шаҳри ва Бўстонлиқ район граждан мудофааси штаблари 1986 йил область партия комитети ва ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

Лекин областимизнинг барча шаҳар ва районларида ҳам граждан мудофааси ишларига етарлича эътибор бериляпти, деб бўлмайди. Жумладан, Ғалаба районидаги «Москва», «Ленинград», Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли, «Октябрь», Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхозлар ва «Олмазор» совхозида бу масалага ўта совуққонлик билан қаралмоқда. Жавобгар масъул шахслар ишни жонлантириш учун илғорларнинг тажрибасидан фойдаланишлари керак.

С. ЖАМИЛОВ,
Янгийўл районлараро граждан мудофааси курси бошлиғи.



Тошкент консерваторияси ҳузуридаги халқ чолғу асбобларини такомиллаштириш илмий-тадқиқот тармоқ лабораториясининг мастер-конструктори Ҳ. Муҳиддинов малакали мутахассисдир. У халқ чолғу асбобларининг 18 турини такомиллаштирган уста ҳисобланади. Унинг курд танбури ва Тошкент рубобларини мукаммаллаштириш борасидаги ишлари халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасининг кумуш медалига сазовор бўлган. Суратда: Ҳ. Муҳиддинов.

С. Величкин фотоси.
(ЎзТАГ).

ЭРТАГА — НАВБАТДАГИ ҚАБУЛ

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси ҳузуридаги жамоатчи Совет навбатдаги қабулни эртага — 10 июнь соат 17.00 дан бошлаб ўтказади. Бу сафар меҳнаткашларни жамоатчилик Советининг аъзоси, юрист Абдужалил Ҳасанов қабул қилади ва уларни қизиқтирган саволларга тегишли қонунлар асосида жавоблар қайтаради.

Жамоатчи Совет қабулхонаси Ленинград кўчаси, 32-уй, 7-қават, 742-хонага жойлашган. Телефонлар: 33-40-48; 32-53-54.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИ СОВЕТ ҚАБУЛХОНАСИ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент область матлубот жамиятининг
ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1987-1988 ЎҚУВ ЙИЛИГА
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА ХОМ АШЁЛАРИ, АВТОМОБИЛЬ ҲАЙДОВЧИСИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СОТУВЧИСИ, ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ СОТУВЧИСИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ МОЛЛАРИНИНГ СОТУВЧИСИ, САНОАТ МОЛЛАРИНИ СОТИШ БЎЙИЧА КОНТРОЛЁР-КАССИР, ОШПАЗЛАР (IV разрядли), ОШПАЗ-ОФИЦИАНТЛАР, ҚАНДОЛАТЧИЛАР, ҚАНДОЛАТЧИ-НОВВОЙЛАР.

БИЛИМ ЮРТИ «ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР МАТЛУБОТ ЖАМИЯТЛАРИДА ИШЛАЙДИГАН МАЛАКАЛИ ИШЧИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

ЎҚИШ МУДДАТЛАРИ: ошпазлик касби бўйича—3 йил (8 синф) ва 1 йил (10 синф); ошпаз-официант (10 синф)—2 йил; қандолатчилик 3 йил (8 синф); қандолатчи-новвойлар —2 йил (10 синф); озиқ-овқат ва саноат моллари сотувчиси касби бўйича 3 йил (8 синф); қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сотувчиси—1 йил (10 синф); қурилиш материалларининг сотувчиси — 1 йил (10 синф); саноат молларини сотиш бўйича контролёр-кассир — 1 йил (10 синф); қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом ашёларини тайёрловчилар ҳамда автомобиль ҳайдовчилари (III класс) касби бўйича — 1,5 йил (10 синф).

БИЛИМ ЮРТИГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 15 ДАН 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИ:

Танлаган касби кўрсатилган ва ўқишга қабул қилиш ҳақидаги ариза билим юрти директори номига ёзилади.

Ариза қуйидаги ҳужжатлар билан бирга топширилади: етуклик аттестати ёки гувоҳноманинг асли ва нусхаси, медицина справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмда), меҳнат дафтарчаси (ишлаганлар учун), область, район ёки қишлоқ матлубот жамиятининг йўлланмаси, турар жойидан справка, охирги 6 йил давомида юқумли касалликлар билан касалланмаганлиги тўғрисида справка.

ҚАБУЛ ҚИЛИШ КОМИССИЯСИ 15-27 АВГУСТ КУНЛАРИ ИШЛАЙДИ.

Қабул қилинганлар қуйидаги миқдорда стипендия билан таъминланадилар: ошпаз-официантлар, қандолатчи-новвойлар, тайёрловчилар учун ойига 70 сўм, сотувчилар, кандолатчилар ва ошпазлар учун 32 сўм.

Қизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРИТИЛАДИ.

Аъло баҳода битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига киришда ўрта мактабни олтин медаль билан битирганда бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР ТАНЛАГАН КАСБЛАРИ БЎЙИЧА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Матлубот жамияти ҳодимлари қаторини тўлғазиб, халқ учун хизмат қилишни истаганларга Тошкент область матлубот жамияти ўрта ҳунар-техника билим юртининг эшиклари очиқ.

Адрес: 700056, Тошкент шаҳри, Путилов кўчаси, 210-«а» уй (вокзалдан 16-автобус, Олой бозоридан 89-автобусларда «Касб касаллиги шифохонаси» бекатигача борилади). Телефонлар: 67-72-13, 67-72-93.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
1987-1988 ўқув йилига
КУНДУЗГИ ВА КЕЧКИ БЎЛИМЛАРГА
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

САМОЛЁТСОЗЛИК МЕТАЛЛАРГА ҚИРҚИБ ИШЛОВ БЕРИШ, АСБОБСОЗЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ, САНОАТ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ МОНТАЖ ВА РЕМОНТ ҚИЛИШ МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА ПЛАНЛАШТИРИШ, ПРОГРАММАЛИ БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ СОЗЛАШ.

Ўқишга 8 ва 10 синф маълумотига эга бўлганлар қабул қилинади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Кундузги бўлимнинг ўзлаштирувчи ўқувчилари ойига 30 сўмдан 45 сўмгача стипендия оладилар, аълочилар стипендияга қўшимча 50 процент, яхши баҳолилар — 25 процент устама ҳақ билан таъминланадилар.

Техникумнинг кундузги бўлимини тугатиб имтиёзли диплом олган ўқувчиларга ўқишни давом эттириш учун институтларга йўлланма берилади.

Саккиз йиллик мактабни мақтов қоғози, ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаллар билан битирганлар, кириш имтиҳонлари олинадиган фанлардан «айрим фанларни ўзлаштиришдаги алоҳида муваффақиятлари учун» мақтов қоғозини олган ўқувчилар, шунингдек ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тамомлаган ўқувчилар техникумга кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўрта ҳунар-техника билим юртларини ёки мактабларни «4» ва «5» баҳоларда тамомлаган ўқувчилар ҳам (тегишли мутахассислик ва таълим формаларига кўра) металларга қирқиб ишлов бериш (ўнинчи синфни битириб кечки бўлимга кираётганлар; саккизинчи синфни битириб кундузги бўлимга кираётганлар), асбобсозлик ишлаб чиқариши, саноат асбоб-ускуналарини ремонт қилиш (саккизинчи синфни битириб кундузги бўлимга кираётганлар), программали бошқариладиган станоклардан фойдаланиш ва уларни созлаш, машинасозлик саноати корхоналарида планлаштириш ўнинчи синф ва ўрта ҳунар-техника билим юртларини битириб кечки бўлимга кираётганлар) ихтисосликлари бўйича техникумга кириш имтиҳонларисиз (қабул қилинувчиларнинг 60 проценти доирасида) қабул қилинадилар.

Аризаларни қабул қилиш тўхтатилишидан 4 кун олдин кириш имтиҳонларисиз қабул амалга оширилади.

Қолган ўринларга конкурс имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган ўқувчилар қабул қилинади.

Аризалар: кундузги бўлимга 8-синф маълумоти билан — 31 июлгача, 10-синф маълумоти билан — 15 августгача, ўнинчи синф маълумоти билан 15 сентябргача қабул қилинади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади: маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), медицина справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3х4 см), меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишловчилар учун); паспорт, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома, ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга лаёқати ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимда — 1 августдан 21 августгача ўтади, 8-синф маълумотига эга бўлганлар — математикадан (оғзаки), она тилидан (диктант); 10-синф маълумотига эга бўлганлар — математикадан (оғзаки), она тилидан (иншо) топширадилар: **кечки бўлимда — уч муддатда — 20 сентябргача ўтади.**

Техникумнинг ётоқхонаси йўқ. Прописка билан таъминламайди.

Адрес: 700006, Тошкент шаҳри, Куйбишев кўчаси, 12-уй, 111-аудитория (5, 7, 12, 18 58, 68, 133-автобуслар; 2, 3, 4, 13, 22, 25, 28-трамвайлар; 1, 8, 10, 11,13, 16-тролейбусларнинг «Революция хиёбони» бекати). Справкалар учун телефонлар: 33-89-22, 33-69-34.

Гиёҳвандлик—иллат

Ўғрини қароқчи урди

Олтин куз мавсуми. Ўша ёғин-сочинли кунларнинг бирида Оққўрғон район «Ленинизм» колхозида яшовчи Саурбоевнинг кўча эшиги тақиллаб қолди. Эшикни Саурбоевнинг ўзи очади. Остонада уч нафар ёш йигит тиржайишиб туришарди. Саурбоев уларни илгари кўрмаган бўлса ҳам, синиқкан юзларига тикилиб туриб ўзича ўйлади. «Ҳойнаҳой гиёҳвандлар бўлса керак. Ишинг юришиб, бозоринг чаққон бўлиб турса, остона ҳатлаб кўчага чиқмасингдан харидор ўз оёғи билан келади.

— Келинглар йигитлар, хизмат?

Ҳақиқатан ҳам бемаврид йўқлаган бу йигитлар Саурбоев ўйлаганидек гиёҳванд харидорлар бўлиб чиқди. Улар кўкнори топиб беришни илтимос қилишди. Саурбоев «йўқ» деса, ўз оёғи билан келган харидордан ажралиб қоладигандек, бироз иккиланиб турди-да кейин ичкаридан халтачада уч килограммча келадиган кўкнорини олиб чиқиб, улар олдига қўйди. Мажруҳ йигитлар гўё хазинага дуч келгандек, шоша-пиша ўзларини ташлаб, сифатини текшириб кўришган бўлишди. Улар халта тепасида уймалашиб, Саурбоев бармоқларини намлаб, кўкнори пулини санаб турганида, бирдан кўча эшикдан милиция формасида икки киши кириб келади. Шундай қилиб «харидорлар»ни ҳам, сотувчини ҳам жиноят устида «қўлга» туширган «милиция ходимлари» уйда тинтув ўтказиб яна 7 килограмм ўлжа—кўкнори топиб олишади. Кўзларини чақнатиб юборган шунча кўкнорини улар ўзларича кимнингдир фойдасига мусодара қилишади.

Ҳа, улар Саурбоевни жиноят устида қўлга туширишга туширишди-ю лекин бу жиноятни расмийлаштиришга негадир шошилишмасди. Аксинча «милиция ходимлари» ўзларини шубҳали тутишар, ниманингдир илинжида гап чайнашарди. Саурбоев бу имо-ишорага ҳаделанганда тушунавермагач очиқчасига «ҳужум»га ўтиб, уни қўрқитишга ўтишди. Хуллас, улар Саурбоевни бир минг сўм пора беришга кўндириб, уни «жиноятдан озод» қилишди.

Пул ҳамёнда, кўкнори қўлтиқда, «харидорлар» билан «милиция ходимлари» оғиз-бурун ўпишиб битта машинада кўздан ғойиб бўлишади...

Саурбоев-ку наркотик моддаларни тайёрлаб, мўмай даромад орттириш мақсадида уйида сақлаб келгани учун қонун олдида чинакамига жавоб бериши турган гап. Лекин, мана бу «жиноят» қидирувчиларнинг ўзлари ким? Нега Саурбоевни жиноят устида қўлга туширишга туширишди? Ҳамма гап ана шунда-да. Уларга Саурбоевнинг ўзи ёки қилган жинояти эмас, балки кўкнори керак эди. Мана ўша Саурбоевнинг уйига қуйруқ излаб келганлар: Юн Анатолий, Хен Син-Чер, Усмон Аббосов, Сотволди Омонов, Ким Вадим. Лариса Лу-Ли, Сергей Яковенко, Раҳмат Комилов. Улар аслида иш жойининг тайини йўқ, бекорчи-текинхўрлар эди. Аниқроғи ёш умрни ҳазон қилиб, узоқ вақтлардан бери наркотик моддалар истеъмол қилиб келган дайди гиёҳвандлар. Қизиқ, уларнинг бирортаси бирор жойда фойдали меҳнат билан шуғулланиб, даромад олмаса, Саурбоевга ўхшаганлар уларга текинга беришмайдику. Сотиб олиш учун пул бўлмаса, Нима қилиш керак? Қароқчи бўлиб «ўғрини» талаш йўлини ўйлаб топишди. Фалончи-пистончи билан қоронғида топишганидек, бири кўкнорифуруш бўлиб, иккинчиси «орган» хизматчиси бўлиб келиб, уй эгасини талашди.

Чиноз район Пахта посёлкасида яшовчи Лимнинг уйида «савдо» қизиқ ҳангома билан тугайди. Олдинига пул тақдим этиб турган «харидорлар» Лим қўлидаги афюнни кўрибоқ ранглари ўзгариб, ўзларини тутолмай қолишади. Шу пайт тўсатдан унинг қўлидаги афюнга чанг солиб, кўчада ўзларини пойлаб турган машина томонга қараб қочишади. Уларнинг орқасидан қувиб чиққан Лим. машинада «милиция» формасидаги киши ўтирганини сезиб, қўлини силтаб орқасига қайтади.

Иштаҳа — иштаҳани очади деганлари тўғри экан. Ўз таъбирлари билан айтганда афюн қидирувчи бу «оператив группа» Димитров номли колхозда яшовчи Юн Борис уйида текширувнинг бутун қоидасига риоя қилинган ҳолда тинтув ўтказди. Бу уйдан топилган 50 грамм афюнни «мусодара» қилиб Юн Борисннинг ўзини «қамоққа» олишмоқчи бўлиб туришганида, уй эгаси ёлворгач ўзини улар оёғига ташлайди. Одатда гиёҳвандларнинг кўнгли яримта бўлмайдими, улар ҳеч кимга оғиз очмаслик шарти билан 2 минг сўм пора эвазига Юн Борисни «жиноятдан озод» қилишади.

Лекин арқон қанча узун бўлмасин, унинг охири ҳам бўлади. Бу жиноятчи группа аъзоларининг бир қўлида пул, бир қўлида наркотик моддалар тутган «олтин» даври тугади. Уларнинг ниқоблари йиртилди, қилмишлари фош бўлди.

Тошкент область суди текинхўр гиёҳвандлар ва товламачиларни қилмишларига яраша жазолади.

Уйларида наркотик моддалар тайёрлаб сотган ёки сотишга уринганлар ҳам жиноий жавобгарликка тортилишди.

З. СОИБНАЗАРОВ,
Тошкент область суди Президиумининг аъзоси.

Р. ИБРОҲИМОВ,
область судининг халқ маслаҳатчиси.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ЧЕМПИОНАТ ДАВОМ ЭТМОҚДА

● ТОШКЕНТДА халқаро шашка бўйича эркаклар ўртасида (олий лига) 29-Ўзбекистон чемпионати ўтказилмоқда. Мусобақада 16 кучли спортчи иштирок этяпти. Улар орасида халқаро гроссмейстер Николай Мишчанский, халқаро классдаги спорт мастери Сергей Давидов, спорт мастерлари Владимир Христиноқов, Станислав Гуляев, Владимир Александров, Андрей Честков, Бэкир Осмоновлар бор. Бу чемпионатда ягона аёл шашкачи, мастерликка номзод, рус шашкаси бўйича республика чемпиони Ирина Иванова ҳам эркаклар билан баб-баравар баҳслашмоқда.

Халқаро гроссмейстер Н. Мишчанский ўн бир имкониятдан ўн очко тўплаб пешқадамлик қилмоқда. Спорт мастери С. Гуляевда 9 очко бор. Халқаро классдаги спорт мастери С. Давидов эса 8,5 очкога эга.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

КУБОК ЎЙИНЛАРИ

● 1987—1988 йиллар кубок мусобақаси старт олди. Дастлабки босқич ўйинларида республикамиз спорт шарафини беш команда ҳимоя қилди. Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари Целиноградда «Целинник» командаси меҳмони бўлиб, 2:1 ҳисобида ғалабага эришдилар ва 1/32 финалга чиқишди. Фарғонанинг «Нефтяник» командаси Барнаулда «Динамо» билан учрашди. Асосий вақтда ҳисоб очилмади. Ўн бир метрлик тўплар тепишда фарғоналиклар 6:5 ҳисобида ғолиб келдилар. Андижоннинг «Пахтакор» клуби Чимкентнинг «Мелиоратор» командасини қабул қилиб, 2:0 ҳисобида ғалабага эришди. Самарқандиннг «Динамо» спортчилари Куйбишевда «Крилья Советов»га 1:2 ҳисобида, «Соҳибкор» эса Тюменда «Геолог»га 1:5 ҳисобида ютқазди.

ЖАМОЛИДДИН АБДУЖАББОРОВ КУЧЛИ УЧЛИКДА

● СССР—Финляндия йўллари бўйлаб ўтказилган «Дўстлик» кўпкунлик велопойгаси ниҳоясига етди. Сўнгги тўққизинчи босқичда А. Саитов биринчи, Жамолиддин Абдужабборов эса иккинчи бўлиб финишга етиб келди. Шундай қилиб, Асят Саитов кўпкунлик велопойгасининг ғолиби бўлди. Ленинградлик студент В. Екимов иккинчи, тошкентлик Жамолиддин Абдужабборов учинчи ўринни эгаллади. Шуниси қувонарлики Жамолиддин Абдужабборов пойгада энг актив ва бир маромда юксак натижа кўрсатган спортчи учун таъсис этилган мукофотларга ҳам сазовор бўлди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
(«Ташкентская правда»)
Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов

Издается на узбекском языке

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент Ленинград кўчаси, 32

Редактор Н. НАСИМОВ.

Р—08792. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684. В. 1588. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12